RESPUBLIKA MILLIY KUTUBXONASI INV.№

Ушбу сонда:

2 ОТЛАРИ ЙЎҚ «ОТЧОПАР»

ВА ИЖРО МАСЪУЛИЯТ

3 МЕРОС ҲУҚУҚИ

4 СУДЛАНГАН... РОМАН

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 5 (312) 2003 йил 4 ФЕВРАЛ сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек, давлат сири ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ҳисобланган маълумотлар ва агар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини камситадиган бўлса, бошқа ахборотлар давлат органлари ходимлари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Мурожаатга тааллуқли бўлмаган, фуқаронинг шахсига доир маълумотларни сурištириб билишга йўл қўйилмайди.

Фуқаронинг илтимосига биноан унинг шахсига доир бирон бир маълумот ошкор этилмаслиги керак.

«ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, 13-МОДДА.

Mohiyat

БОР БЎЛ, ЭЗГУЛИККА БАХШИДА ҲАЁТ!

«ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШ» ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМИНИ КЎРИБ



Тинчлик тушунчаси барча замонларда долзарб аҳамият касб этган. Чунки инсон ҳаёти ана шу омилга бевосита боғлиқ. Тинчлик барқарор бўлган жойда яратувчилик ҳукм суради, одамлар бахт-саодатга интилади.

Уруш инсон ҳаётини бузиб ташлайди. Шу боис одамзот азал-азалдан тинчлик учун курашиб келади. Ер юзидаги тараққиёт ана шу курашнинг самараси, десак, асло хато бўлмайди.

Ўтган XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида тинчлик учун кураш минтақамизда ҳаёт-мамот масаласига айланди. Мана шу даврда халқимиз Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида оғир синовларни мардона енгиб ўтиб, дунёдаги тинчликпарвар миллат сифатида ўзини намоён этди.

Куни кеча Ўзбекистон телевидениеси намойиш этган **«Тинчлик учун кураш»** фильми шу ҳақда ҳикоя қилади. Маълумки, Юртбошимиз Фарғона водийси ўт ичида қолган оғир кунларда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган. Ислом Каримовнинг давлат арбоби сифатидаги биринчи қадами, энг аввало, юртимизда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга қаратилди.

Албатта, инқирозга юз тутган қизил империя Фарғона воқеаларидан сўнг Бўка ва Паркентда, Ўш ва Ўзганда кетма-кет низолар келтириб чиқарди ва юртимизни фуқаролар уруши гирдобига тортишга ҳаракат қилди. Фильмда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов таъкидлаганидек, халқимизнинг келажак тақдири ҳал бўлаётган мана шу оғир ва мураккаб даврда Юртбошимиз Ислом Каримов халқимизнинг бошига тушган ташвишларга мардона елкасини тутиб берди, узоқни кўра олиш салоҳиятини намоён этди. Халқнинг ўз кучига, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлади.

Мана шу мураккаб жараён мазкур фильмда тарихий ҳужжатлар асосида ҳикоя қилинган.

Албатта, ўз халқининг қаддини кўтариб, унинг ҳурматини жойига қўйишга бел боғлаган, Ватан озодлиги ва ободлиги учун ҳаётини тиккан давлат раҳбари бу эзгу тилаклари рўёбга чиқишига тўсқинлик қиладиган ҳар қандай кучга қарши туриши муқаррар.

"Мен Президент сифатида мамлакатимиздаги тинчлик, хотиржамлик ва хавфсизликка ўзимни кафолат деб биламан.

Қаерда халқнинг тинчи бузилса, хавфсизликка таҳдид туғилса, Президент ўша ерда қалқон бўлиши даркор", — дейди Ислом Каримов.

Бу сўзлар 1991 йилнинг 29 декабрида айтилган. Мазкур фильмда давлатимиз раҳбари мана шу санага қадар ҳам ўз сўзига мос жасорат кўрсатиб келганига гувоҳ бўламиз. Шуни айтиш керакки, истиқлолнинг дастлабки кунларидан Ўзбекистоннинг озодлиги, тинчлиги ва осойишталигига таҳдид қилган, уни ўз ёғига қовуриб, яна муте ва қарам ҳолда кўришни истаган тажовузкор кучлар мамлакат ичида турли қўпорувчилик ҳаракатлари содир этишга, миллий ва диний низолар келтириб чиқаришга, халқни бўлиб ташлашга жон-жаҳди билан ҳаракат қилди.

Айни шундай қора кучларнинг қўлида қўғирчоқ бўлган халқаро террорчи Тоҳир Йўлдош бошчилигидаги диний экстремистик кучлар 1991-92 йилларда кетма-кет қотиллик, талон-тарож ва босқинчилик каби оғир жиноятлар содир этишди. Ҳатто улар вилоят ҳокимлиги биносини босиб олиб, Ўзбекистонни ўз танлаган йўлидан қайтаришга, давлат раҳбаридан амалдаги конституциявий тузумни ўзгартиришни талаб этишгача бориб етишди.

Мана шу жараён, Президент Ислом Каримовнинг қалтис вазиятда ўз ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса-да, ғазабга минган, ҳокимият илинжида ўлкани портлатиб юборишга ҳам тайёр бўлган мутаассиблар билан юзма-юз гаплашиши, теран мантиқий асосга эга изчил фикрлари, мардлиги ва самимийлиги билан эҳтиросли жазавасини бартараф этиши ва аксарият кўпчиликни ўз ортидан эргаштириши фильмда тарихий тасвирлар орқали намойиш этилган.

Юртбошимиз Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигига рахна солаётган, миллий ва диний адоват келтириб чиқаришга уринаётган тажовузкор кучлар хориждан озиқ олаётганидан, ҳали онги шаклланмаган ёшларни йўлдан уриб, уларни Афғонистон, Чеченистон ва Тожикистондаги террорчилар тайёрлайдиган ҳарбий лагерларга жўнатаётганидан, бу эса яқин келажакда ақл бовар этмайдиган мудҳиш оқибатлар келтириб чиқаришидан ўз вақтида қайта-қайта бизни огоҳ этган. Терроризм балоси оғир кулфатлар келтириб чиқаришига жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборини қаратади. Ислом Каримов минтақада тинчлик ўрнатиш учун Тожикистон ўз ички муаммоларини қарама-қарши томонларнинг ўзаро музокараси воситасида ҳал этиши мақсадга мувофиқ, деган ғояни илгари суради. Ушбу музокараларда минтақадаги давлатлар, шунингдек, Покистон ва Эрон раҳбарлари иштирок этиши фойдадан холи эмас, деб таъкидлайди у.

1993 йилнинг 18 июнида Швецариядаги "Форум фонд" халқаро иқтисодий ташкилоти IV сессиясида давлатимиз раҳбари Тожикистонда барқарорлик бўлиши учун аввало Афғонистонда тинчлик ўрнатиш лозимлигини уқтиради.

Шунингдек, Ислом Каримов Ўзбекистон минтақада ашаддий ақидапарастликка асосланган ҳар қандай доктриналарни тарқатишга қатъиян қарши туришини маълум қилади.

Президент Ислом Каримов Афғонистонда тинчликни қарор топтириш мақсадида бу мамлакатдаги мухолиф томонлар, халқаро ташкилотлар ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вакилларини Тошкент шаҳрида музокаралар учун йиғилишга таклиф этади.

Мана шу ташаббус туфайли 1995 йилнинг 15 сентябрида Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбарлигида Марказий Осиёда Хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига доир семинар-кенгаш бўлиб ўтди, унда 31 давлат ва 6 халқаро ташкилот вакиллари иштирок этди. Ушбу семинар-кенгашда Президент Ислом Каримов Афғонистон ва Тожикистондаги нотинчлик 60 миллион инсон тақдирига салбий таъсир кўрсатаётганини уқтирди, мазкур мамлакатларда қадам-бақадам тинчликка эришишнинг амалий тамойилларини таклиф этди.

Айтиш керакки, минтақавий хавфсизликдан ялпи хавфсизлик сари дадил қадам ташланиши фильмда ўзининг ёрқин тасдиғини топган.

Бу даврга келиб, зийрак ва ҳушёр одамлар давлатимиз раҳбари бежиз қуйиб-ёнмаётганини, Ўзбекистонга, Марказий Осиёга хавф солган хатар ер юзидаги тинчлик ва осойишталикка таҳдид этиб турганини англай бошлайди.

Афғон заминида узлуксиз давом этаётган уруш эса ҳаётга қирғин олиб келиш билан бирга, бутун бир минтақа иқлимини заҳарлаётган эди.

Энг даҳшатлиси, оғир жиноят содир этиб, дорнинг остидан қочган кимсалар дунёнинг турли бурчакларидан келиб, Афғонистонга уя қўйишди. Террорчиликдан ғаразли мақсадларда фойдаланувчи марказлар эса уларга ҳомийлик қилишди. Оқибатда ўлка ва унга туташ ҳудудларда жангарилар тайёрловчи 150 та база ва ҳарбий лагерлар вужудга келди. Бу базалар ҳар йили 5 мингдан зиёд жангари тайёрлаб чиқара бошлади.

Гиёҳванд моддалар савдоси улар учун молиявий харажатларни қоплаш ва даромад топишнинг манбаига айланди.

Президентимиз бу хавф-хатардан БМТ Бош Ассамблеясининг 48-, 50-сессияларида қайта-қайта кишилик жамиятини огоҳ этган. Кейинчалик, 2000 йилнинг 20 октябрида Тошкентга келган БМТ Бош котиби ўринбосари Пино Арлакки ўз вақтида Ўзбекистон раҳбарини безовта этган бу терроризм ва наркобиснес хатари эндиликда аччиқ ҳаётий ҳақиқатга айланганини тасдиқлайди.

1998 йилнинг 6 ноябрида ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 155-сессиясида давлатимиз раҳбари Афғонистондаги носоғлом вазият туфайли бир пайтлар гуллаб-яшнаган шаҳар ва қишлоқлар вайронага, водийлар эса харобага айланганини, зулм ва қашшоқлик халқни эзиб ташлаганини уқтиради.

Шундан келиб чиқиб, Афғонистонга четдан қурол киритишни таъқиқлашни таклиф этади. Бу таклиф ўз вақтида Америка Қўшма Штатлари конгресси, Европа Парламенти ва Европа Иттифоқи томонидан қўллаб-қувватланган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Афғонистон масалаларига доир махсус резолюция қабул қилган.

1999 йилнинг 19 июлида Тошкентда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Афғонистон бўйича "6+2" гуруҳи иш бошлади. Унда Америка Қўшма Штатлари, Россия Федерацияси, Хитой, Эрон, Покистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, энг муҳими, Афғонистон делегациялари иштирок этишди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши Ўзбекистон ташаббусини афғон можаросини сиёсий йўл билан ҳал этиш борасидаги қимматли амалий ҳаракат сифатида юксак баҳолади.

Ўзбекистон раҳбари ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўяётган масалани илгари сурган бўлса-да, ҳамма ҳам бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб етмади. Ҳаёт шуни кўрсатдики, одам боласи террор кулфати ўз бошига тушмагунча, жудолик ситами ва йўқотишлар юрагини эзмагунча буни тушунмайди. Шу боис қудратли давлатлар раҳбарлари ўз вақтида бу масалага жиддий эътибор қаратмади.

Давлатимиз раҳбари БМТнинг **«Мингйиллик саммити»**да Афғонистон билан чегарадош ҳудудлар, биринчи навбатда, Марказий Осиё давлатлари юзлаб тонна опиум ва героинни асосан Европа ва Шимолий Америка мамлакатларига олиб ўтиш учун энг қулай йўлларга айланганини, бу жараён халқаро террорчилик ва наркобизнес ўзаро чирмашиб бораётганини намоён этишини яна бир бор таъкидлаб, бу офатга қарши жаҳон ҳамжамиятини биргаликда курашга даъват этади.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилотининг Истамбул саммитида (1999 йил) халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш ғоясини илгари суради. Бу марказ террорчиларни қўллаб-қувватлаётган, қуроляроғ ва маблағ билан таъминлаётган, жойларга жўнатаётган "ҳомий"ларга қарши курашни мувофиқлаштириши лозим, деб уқтиради у.

Фильмда ҳуқуқшунос олим Абдулҳаким Жузжоний тўғри таъкидлаганидек, дунёдаги бирон-бир давлат Афғонистондаги вазият, афғон халқининг кулфат ва мусибатлари ҳақида Ўзбекистончалик, Ўзбекистоннинг раҳбаричалик жон куйдирган эмас. Афғонистонда тинчликни қарор топтириш йўлидаги бу улкан хизматни жафокаш афғон халқи ҳеч қачон унутмайди, дейди таниқли олим.

2001 йилнинг 11 сентябрида Нью-Йорк ва Вашингтонда содир этилган, беш мингга яқин беайб, бегуноҳ инсон умрига зомин бўлган мислсиз фожиа ўзининг ақл бовар этмайдиган даражадаги қўлами, кетма-кетлиги ва ногаҳонийлиги билан жаҳон ҳамжамиятини даҳшатга солди, ҳеч қандай асос билан оқлаб бўлмайдиган бу қабоҳат, ниҳоят, барчани ҳушёр торттирди.

Энг асосийси, инсоният қандай офат билан юзма-юз турганини идрок этди. Афғонистон мана шундай даҳшатли ёвузликнинг уясига айлангани, бундай хавф мавжуд бўлган бир вазиятда ҳеч қачон тинчлик ва осойишталик бўлмаслиги кундек равшанлашди.

Башарият яна шуни чуқур англаб етдики, Президент Ислом Каримов қайта-қайта уқтирганидек, **ҳеч ким бу офатдан четда тура олмайди. Унга қарши биргаликда курашиш лозим. Бугун шунинг вақти-соати етиб келди.**

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ўзбекистон раҳбари илгари сурган таклифга асосан терроризмга қарши кураш бўйича қўмита ташкил этди ва унинг фаолияти бу курашда жаҳон ҳамжамияти саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва мувофиқлаштиришга йўналтирилди. Америка Қўшма Штатлари бошчилигида аксилтеррор ҳаракати вужудга келди.

Одамлар бу қабоҳатнинг илдизи билан қўпориб ташламагунча бирон-бир мамлакатда, бирон-бир оилада тинчлик-хотиржамлик бўлмаслигини англаб етди. Шунинг учун ҳам тенгсиз бир ғазаб билан унга қарши кураш атрофида барча жипслашди. Президентимиз Ислом Каримовнинг дунёда тинчликни сақлаш йўлидаги ана шу буюк хизматлари Ўзбекистон телевидениеси намойиш этган "Тинчлик учун кураш" ҳужжатли фильмида ўзининг ҳаққоний ифодасини топган.

Мазкур фильм ҳар бир оилага, ҳар бир халққа тинчлик ва омонлик, ҳамжиҳатлик ва бахту саодат тилайдиган, шу қутлуғ йўлда толмай курашадиган Президентимиз Ислом Каримовнинг тинчликпарварлик фаолиятига доир маълум қирраларни экранда гавдалантирган. Фильм тинчликнинг бебаҳо неъмат эканини, унга эришиш ва сақлаш учун ҳар бир инсон курашиши лозимлигини кўрсатиб бера олгани билан қадрлидир.

Ислом ҲАМРО

Ajab savdolar

КИМНИНГ ГАПИ ЎТАДИ?

ЁКИ БЎЗ ТУМАНИДА СУД ҚАРОРЛАРИ НЕГА ЎЗ ИЖРОСИНИ ТОПМАЁТГАНИ ХУСУСИДА

— Биз энди фермер хўжаликларимизни тиклашимизга, ерларимизни қайтариб олишимизга ишонмай қўйдик, — дейди бўзлик бир гуруҳ фермерлар. — Чунки бизнинг ҳақ эканлигимиз, хўжалигимиз ноқонуний тугатилгани, еримизни қайтариб бериш ҳақида вилоят адлия бошқармасининг даъво аризалари асосида бир неча суд инстанциялари, ҳатто Республика Олий хўжалик судининг қарорлари чиққан. Бундан ташқари "Инсон ва қонун" газетасида икки марта, Республика телевидениесининг "Ахборот" дастурида танқидий чиқишлар қилинган. Аммо бунга қарамай уч-тўрт йилдан буён муаммомиз ҳал бўлгани йўқ. Туман ҳокимлиги фермер хўжалигимизни қоғозда тиклаб қўйган, лекин еримизни қайтариб бергани йўқ. Ахир, ерсиз фермер хўжалиги тикланган ҳисобланадимми?!.

Шуни айтиш керакки, бу тадбиркорлар сиз, азиз газетхонларга ҳам яхши таниш. Улардан бири Одилжон Тошбоев. Унинг фермер хўжалиги ноқонуний равишда қандай тугатилгани ҳақида газетамизнинг ўтган йил 19 феврал кунги сонида "Ғаразгўйлик" сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган эди.

"Мўйдинов Тожиддин", "Давлат", "Сайёд" фермер хўжаликларининг республика Олий хўжалик судининг қарори биан тикланганлиги-ю, аммо ерни қайтариб ололмай сарсон юргани ҳақида газетамизнинг ўтган йил 30 апрел сонидаги "Адолат яримта бўлмайди" мақоласида ёзилган эди.

Шундан буён ёз ўтди, куз ўтди, қиш келди. Бошқача айтганда, кунлар, ойлар ўтиб, йил тўляпти. Аммо фермерларнинг муаммоси ечимини топмаяпти.

Бу орада фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судининг апелляция судлов ҳайъати, фуқаролик ишлари бўйича Бўз туманлараро суди, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят суди судлов ҳайъати О.Тошбоев фермер хўжалиги ишини кўриб чиқди.

Шуни алоҳида таъкидлаб айтиш керакки, суд ҳужжатларининг барчасида фуқаролик ишлари бўйича Бўз туманлараро судининг судьяси Муҳаммаджон Каримовнинг **"Бўз туман ҳокимининг 2000 йил 24 октябрдаги 306-К сонли қарори ғайриқонуний бўлган деб ҳисобланиб, бекор қилинсин ва О.Тошбоев фермер хўжалиги давлат реестрига қайта рўйхатга олинсин. Ушбу қарорнинг бекор қилиниши муносабати билан қонуний фаолиятни юргизиш учун қайтариб олиб берилсин"**, — деган қарори ўзгаришсиз, кассация шикоятлари оқибатсиз қолдирилди. Шуниси қизиқки, бу кассация шикоятлар ташаббускори Бўз тумани ҳокимлиги бўлмоқда ва ҳар гал судда ютқазмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

"ИНСОН ва ҚОНУН"га

ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Газетада чоп этилган "Шартнома мажбурияти: Уч хил ҳолат" номли мақолада вилоятнинг айрим туманларида, жумладан, Чироқчи туманидаги "Зарбдор" ширкат хўжалигида шартнома шартлари хўжалик бошқаруви томонидан бузилаётгани кўрсатиб ўтилган. Ушбу мақола тегишли мутахассислар томонидан ўрганилганда қуйидагилар аниқланди.

Чироқчи туман "Зарбдор" ширкат хўжалиги раиси Х.Соатова ширкат аъзолари билан шартнома тузишда айрим камчиликларга йўл қўйган. Аввало, йил бошида пудратчи билан келишилган ҳолда шартномада ҳар иккала томон бажариши лозим бўлган шартлар келишилади. Шартномага иккала томоннинг розилигисиз ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин эмас. Шунинг учун мақола муаллифининг эътирозлари ўринли. Бу мақола Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида кўриб чиқилди ва тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Ж. ТАНГИРОВ,
Қашқадарё вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари

☑ *Тошкентда Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида "Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ёрдам бериш" мавзуида семинар бўлиб ўтди.*

☑ *Киевда ҳар томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон—Украина қўшма комиссиясининг навбатдаги бешинчи мажлиси бўлиб ўтди.*

☑ *"Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ахборотномаси"нинг еттинчи сони нашрдан чиқди.*

☑ *Тошкентда "Иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатларда иқтисодий ислоҳотлар ва хорижий сармояларни жалб этиш жараёни: ўтмиш сабоқлари ва Марказий Осиёнинг ривожланиш истиқболлари" мавзуида анжуман ўтказилди.*

☑ *Олий Мажлисда "Хайрия фаолиятини ҳуқуқий бошқариш: хориж тажрибаси" мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди.*

☑ *«Йилнинг энг яхши мактаби» кўрик-танлови якунланди. Унда Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернати ғолиб чиқди.*

Японияда қишки Осиё ўйинлари очилди

Шанба куни Японияда қишки Осиё ўйинлари старт олди. Унда дунёнинг 29 мамлакатидан минг нафардан ортиқ спортчилар иштирок этмоқда.

Жаноб Мавроди қўлга олинди

31 январ куни кундузи Москвада "МММ" акциядорлик жамиятининг собиқ раҳбари Сергей Мавроди қўлга олинди. У томонидан алданган одамлар сони аниқ эмас, бироқ экспертларнинг айтишича, алданганларнинг ҳаки 100 миллион АҚШ долларидан ортиқ.

АҚШда англиялик террорчи Ричард Рид умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди

Икки йил бурун у ўзининг оёқ кийимига жойлаштирилган портловчи қурилма ёрдамида "Париж-Майами" йўловчи самолётини портлатишга уринган эди. Авиалайнер бортида 183 нафар йўловчи ва 14 нафар экипаж аъзолари бор эди.

Россия халқаро террорчилик ташкилотлар "қора рўйхати"ни тўлдириш таклифини бермоқда

Россия мулозимлари АҚШ маъмуриятига халқаро террорчилик ташкилотларининг "қора рўйхати"га киритиш учун учта чечен террорчилик гуруҳлари бўйича айрим материалларни тақдим қилди.

Америкалик Меган Макри Лос-Анжелес аэропортида ФБР ходимлари қўлига топширилди

Куни-кеча у Россиядан АҚШга депортация қилинди. Макри бир қатор радикал исломий ташкилотлар билан алоқада бўлганликда айбланмоқда. Хусусан, у интернет орқали ушбу ташкилот вакиллари билан хат ёзишиб, ўзининг террорчилик ҳаракатлари режаларини тақдим этган.

Австралияда темир йўл ҳалокати

Австралияда 80 нафар одам бор бўлган поезд ўз изидан чиқиб кетди. Мазкур темир йўл ҳалокати оқибатида 9 нафар киши ҳалок бўлди ва 39 нафар киши жароҳатланди.

ҚАРЗДОРЛИК

Хатирчи туманидаги Аҳмад Ёрлақабов номидаги ширкат хўжалиги пиллачиси Мақсуда Аҳматова учун 2002 йил омадли келди. У кўкламда пилла қурти боқиб, шартномадаги 81 кг ўрнига 206 килограмм саноатбоп пилла топширди. Мақсуданинг ҳамкасби, ёш пиллакор Гавҳар Бозорова ҳам 56 ўрнига 152 кг, Нурман Муроддинов эса 112 кг ўрнига 144 кг пилла топшириб, шартномаларини ортиғи билан адо этишди. Натижада ўтган йили хўжаликда 21 тонна саноат хомашёси етиштирилди. Пиллачиларнинг унумли меҳнати туфайли 14 миллион сўмлик даромад қилинди. Ялпи 546 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 57 кгдан ҳосил олинди.

Уни Хатирчи туман "Пилла" очиқ акциядорлик жамиятига топширишди. Жамият пиллани юқори сортларга қабул қилди. Бироқ орадан қарийб бир йил ўтаётган бўлса-да, пилла ҳақини тўлашни ўйлашмаяпти.Таъбир жоиз бўлса, жамиятдагилар пиллага "ҳийла" билан жавоб беришди.

Хўжалик раҳбари Алижон Қаюмовнинг тоқати тоқ бўлгач, вилоят хўжалик судига мурожаат этди. Унда жавобгардан шартнома мажбуриятларини бажармагани учун 6 миллион 585 минг 940 сўм асосий қарз, 987 минг 891 сўм жарима ва 1 миллион 659 минг 656 сўм устама — жами 9 миллион 233 минг 487 сўм ундириб беришни сўралган эди.

Шундан сўнг "Пилла" очиқ акциядорлик жамияти идорасида вилоят хўжалик судининг сайёр суд мажлиси бўлди. Унда даъвогар вакили, вилоят адлия бошқармаси ходими Д.Ражабов даъвони қўллаб-қувватлаб, аризада келтирилган важларни тасдиқлади ва даъвони тўлиқ қаноатлантиришни сўради. Жамият раҳбарияти даъвони тан олиб, мавжуд қарзларни бир ойлик муддат ичида тўлаб бериш мажбуриятини олди.

Анча тортишув ва асаббузарликдан сўнг суд тарафларнинг тушунтиришлари, прокурорнинг хулосаси ва иш материалларини текшириб чиқиб, даъвони қисман қаноатлантиришни лозим топди. Суд "Пилла" акциядорлик жамияти ҳисобидан А.Ёрлақабов номидаги ширкат хўжалиги фойдасига 6 миллион 585 минг 940 сўм асосий қарз ва 987 минг 891 сўм жаримани ундириш ҳақида қарор қабул қилди. Бироқ шундан буён орадан икки ой вақт ўтганига қарамай суд қарори ҳамон ижро этилмаяпти. Хўжалик раҳбари эса пилла пули ўрнига омбордаги ғалладан бериб пиллачилар қарзини тўлаб қўйди. Туман "Пилла" идорасидаги мутасаддилар эса қарзга ботганларича ўйловда қолишган.

Яқинда кўклам келади. Яна пилла қурти тарқатиш зарур бўлади. Шунда улар пилла қуртини мажбурий тарқатишадими?

Худди шундай ҳолатни шу тумандаги Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги пиллачилари ҳам бошидан кечиришди.

— Пилла — бу бойлигимиз, — дейди хўжалик раиси Саидаҳмад Салоҳиддинов. — Ана шу хомашёдан атлас қўйлаклар ишлаб чиқарилиб, опа-сингилларимиз, қизларимиз эгнида ялтирайди. Ипак толасидан яратилган хонатласни кўриб кўзимиз қувонади. Буни тўғри тушунган жамоамиз туман "Пилла" акциядорлик жамиятига ўтган йили 16 тоннадан ортиқ хомашё топширди. Лекин ҳалига қадар маҳсулотимиз ҳақини тўлиқ ололмаганимиз йўқ.

Дарвоқе, хўжалик "Пилла" идорасидан қарийб 10 миллион сўмлик қарзини ундиролмаяпти. Вилоят хўжалик суди қарори ижроси таъминланмаётир. Тумандаги "Олтинсой", "Ўзбекистон", "Оқ олтин", А.Пўлатов, Пўлкан шоир, Э.Абдиев, Охунбобоев, Қ.Раҳматов номидаги ширкат хўжаликлари ва Р.Эрназаров, С.Кенжаев, Баҳриддин бобо номидаги фермер хўжаликлари ҳам пилла пулини ўз вақтида олмасдан судма-суд сарсон бўлишаяпти.

Маълумки, меҳнаткаш ўз вақтида меҳнат ҳақини ололмаса, унинг рўзғорида муаммолар туғилади. Бу эса ишловчининг кўнглини совутади. Бу ҳол жамоанинг умумий кайфиятига ҳам таъсир кўрсатади. Хатирчи туман "Пилла" очиқ акциядорлик жамияти мутасаддилари масаланинг ана шу жиҳатларини унутмасликлари лозим.

Ёркул УМАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири
Сайёра ЖУМАНОВА,
ҳуқуқшунос

Shartnoma sharti

Adliya tizimi

АНДИЖОН

Ўтган йил мобайнида вилоятнинг бир қатор ширкат хўжаликлари томонидан пудрат шартнома шартлари тўлиқ бажарилмаётганлиги ва оила пудратчиларига шартномада белгиланган иккиламчи маҳсулотлар тўла берилмаётганлиги аниқланган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан оила пудрати бошлиқлари манфаатларини кўзлаб судларга 287 миллион 675 минг 215 сўмлик моддий ва маънавий зарарларни ундириш ҳақида жами 756 та даъво аризалари киритилди. Улар асосида 612 нафар оила пудрати бошлиқларига 274 миллион 588 минг 012 сўмлик моддий ва маънавий зарарлар ундириб берилди.

Бундан ташқари, тайёрловчи корхоналар томонидан фермер хўжаликлари етиштириб топширган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмаганлиги ҳолатлари аниқланиб, фермер хўжаликлари ва уларнинг бошлиқлари манфаатларини кўзлаб 212 миллион 824 минг 696 сўмлик моддий ва маънавий зарарларни ундириш ҳақида судларга 132 та даъво аризалари киритилиб, тадбиркорлик субъектларига 204 миллион 389 минг 496 сўмлик моддий ва маънавий зарарлар ундирилди.

* * *

Вилоят адлия бошқармаси томонидан ўтган йил давомида 73 нафар мансабдор шахслардан моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан судларга 63 та даъво аризалари киритилди. Ушбу аризалар бўйича тадбиркорлик субъектларига 59 миллион 879 минг 116 сўм моддий зарар, 6 миллион 757 минг 970 сўм маънавий зарар ва 3 миллион 882 минг 300 сўм бой берилган даромадлар ундириб берилди.

БЕФАРҚЛИК

СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ЧИҚИШИГА ТЎСИҚ БЎЛОЛМАДИ

Bugunning gapi

Самарқанд тумани ҳудуди вилоят маркази билан туташиб кетган. Шу сабабли туман деҳқонлари учун шаҳар аҳолиси дастурхонига турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш жуда қулай. Лекин муддао бунда эмас. Гап туманнинг "Барака" ижара хўжалигида яшовчи оила пудратчиси Мисқол Эргашеванинг меҳнатига яраша моддий манфаатдор бўлолмаганида.

— 1999 йилнинг 23 октябр куни 2000 йил арпа ҳосили учун ижара хўжалиги билан оила пудрати шартномаси тузгандик, — дейди М.Эргашева. — Шартномада 11 гектар ер майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан 44 минг килограмм арпа етиштириб бериш кўзда тутилганди. Яхши меҳнат қилиб, ҳосилнинг мўл бўлишига эришдик. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 45,6 центнерга тўғри келди. Шартномада кўзда тутилганидан 6 минг 200 килограмм кўп — 50 минг 200 килограмм арпани хўжалик омборига топширдик.

Пудратчи опанинг айтганларидан муаммо нимада экан, деб ўйлашингиз табиий. Дангал айтганда, муаммо шартноманинг нотўғри тузилганида. Шартномада режадан ортиқча топширилган маҳсулот оила пудратчисига тўлалигича натура шаклида берилиши ёзилган бўлиши зарур эди. Лекин шартномада ортиқча топширилган маҳсулот учун таннарх баҳосида ҳақ тўланиши белгилаб қўйилган. Афсуски, ана шу ҳақ ҳам пудратчига тўланмаган. Бозорда бир килограмм арпа 80 сўм. Унинг 6 минг 200 килограмми 496 минг сўм бўлади. Демак, Мисқол Эргашевадан ижара хўжалиги шунча қарз.

Вилоят адлия бошқармаси пудратчи М.Эргашеванинг манфаатини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича Тайлоқ туманлараро судига даъво ариза киритди. Даъво қаноатлантирилди. Суд жавобгар — Самарқанд тумани "Барака" ижара хўжалигидан пудратчи М.Эргашева фойдасига 496 минг сўм асосий қарз ва катта миқдорда маънавий зарарни ундириш тўғрисида сиртдан ҳал қилув қарори чиқарди.

Хўш, суднинг сиртдан ҳал қилув қарори чиқаргани боиси нимада?

Суд мазкур фуқаролик ишини кўришда жавобгарни бир неча марта чақирув қоғозлари орқали суд мажлисига чақирган. Жавобгар узрсиз сабабларга кўра суд мажлисига келмаган. Жавобгарнинг иштирокисиз ишни сиртдан кўриб чиқилиши шундан.

Жайдари тил билан айтганда, "Барака" ижара хўжалиги раҳбар ва мутасаддиларига суд чақирув қоғози борса-да, мажлисга келмаслик одат бўлган шекилли. Негаки, хўжаликнинг яна бир пудратчиси Холмурод Мусурмонов фойдасига 210 минг сўм етказилган зарар ва 27 минг 790 сўм меҳнат ҳақини ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори ҳам суд томонидан сиртдан чиқарилди.

Қонун дастаги ҳар қандай паллада ишга тушади. Суднинг ҳал қилув қарори ижроси барибир таъминланади. Шундай экан, йўл қўйилган хатодан вақтида хулоса қилиниб, келгусида бундай ҳолни такрорламаганга нима етсин.

Шарофиддин ЮСУПОВ,
Комил БАҲРИДДИНОВ,
ҳуқуқшунос

Diqqat: muammo!

ОТЛАРИ ЙЎҚ "ОТЧОПАР"

Қашқадарёда ягона бўлган Қарши "Отчопар"и бундан анча йил бурун бунёд этилган. Ўтган йиллар давомида бу ерда қўшимча бинолар қурилган, отлар ва бошқа чорва моллари боқилган. «Отчопар»га тегишли жуда кенг ва катта ер майдон, боғ-роғлар бор. Бироқ бу маконда "от спорти" деган сўзнинг ишлатилмай қолганига анча бўлган. Шу туфайли ҳам мана бир неча йилдирки, қашқадарёликлар от спорти бўйича мусобақаларда иштирок этишмайди. Хўш, Қашқадарёда от спортига қизиқадиганлар йўқми? Ёки бу соҳада мутахассис етишмайдими? Эҳтимол, мутасадди раҳбарларнинг бу соҳага эътибори сустдир?! Бу каби саволларга жавоб қидириб бир неча мутасадди ташкилот раҳбарларига мурожаат этдик. Суриштирув жараёнида шунга амин бўлдикки, вилоятда от спортини ривожлантириш ва "Отчопар"ни ободонлаштиришга қаратилган вилоят ҳокимлиги қарор ва тадбирлари масъулият юкланган раҳбарларнинг тез-тез алмашиниб турганлиги боис деярли қоғозда қолиб кетган кўринади. Олайлик, 1992 йил 29 январда Х-1/1-рақами билан чиқарилган "Қарши шаҳар "Отчопар"и фаолиятини қайтадан тиклаш ҳақида"ги вилоят ҳокимининг қарорида Қарши шаҳар «Отчопар»ини қайтадан тиклаш, унинг фаолиятини таъминлаш мақсадида вилоят соғлиқни сақлаш бўлими, вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси, "Қаршисавдо", "Қоракўл", "Гўштсутсаноат" ишлаб чиқариш бошқармалари, вилоят шахсий ёрдамчи хўжаликлар уюшмаси муассислигида ассоциация тузиш, "Отчопар"ни тиклашни умумхалқ ҳашарига айлантириш ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, тиклаш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар режаси ўша йилнинг октябр ойигача бажарилиши қатъий белгиланган. Шундан кейин баъзи қурилиш ва ободонлаштириш ишлари ҳам амалга оширилган. "Отчопар"да ҳосил байрамлари ҳам ўтказилган. Бироқ асосий иш — "Отчопар"да от спорти яхши йўлга қўйилмаган. 1994 йил 2 февралда эса вилоят ҳокимлигининг х-36/2-сонли қарори билан Қарши шаҳар "Отчопар" уюшмасининг фаолиятини яхшилаш мақсадида уюшма барча ер, асосий ва айланма воситалари билан 1994 йил 1 январдан темир йўл ташкилотининг Қарши бўлими ҳисобига ўтказилган. Бўлимга лойиҳа-смета хужжатлар бўйича бажариладиган, ичимлик суви, газ қувурлари, электрлаштириш ҳамда бошқа қурилиш ишлари, ободонлаштириш билан боғлиқ объектларни охирига етказиш юклатилган. Шунингдек, Қарши шаҳар "Отчопар"и фаолиятини қайтадан тиклаш мақсадида "Иссиқхона" хўжалиги ҳисобидан 173 гектар ер майдонини олиб бериш тўғрисидаги вилоят ва Қарши туман ҳокимининг қарорлари чиққан. Хўш, ушбу қарорлар чиққандан кейин ўтган 8 йил мобайнида Қарши темир йўл бўлими "Отчопар"да қандай ишларни амалга оширди? Шу савол билан "Ўзтемирйўлюктранс" бошқармасига қарашли Қашқадарё ҳудудий маркази бошлиғи Ибодулла Арслоновга мурожаат қилганимизда, у киши "мен бу ерга яқинда келдим, "Отчопар" қайси ташкилотга ўтиб кетганини билмайман", деб жавоб берди. Маълум бўлишича, «Отчопар»ни Қарши темир йўл бўлимига ўтказиш ҳақида вилоят ҳокимининг қарори чиққанда А.Тўйчиев, "Отчопар" ҳиссадорлар уюшмаси ҳисобига ўтказилганда Х.Бозоров бошлиқ бўлиб ишлаган ва кейин бошқа ишга ўтиб кетган. Хуллас, ҳудудий марказ бошлиғининг топшириғи билан бош ҳисобчи Елена Холова ҳам бизга "Отчопар"нинг темир йўл бўлими ёрдамчи хўжалиги сифатида қандай фаолият кўрсатгани ҳақида ҳеч қандай маълумот беролмади. Унинг айтишича, ҳамма хужжатлар архивга топшириб юборилган эмиш. Шу сабабли ўтган даврда мулк ва ернинг қандай сақлангани, нима ўзгаришлар бўлгани, қандай қарорга кўра ҳиссадорлик уюшмасига берилгани, энг муҳими, шунча йил давомида "Отчопар" нега фаолият кўрсатмагани сабабларини ўрганиш имкони бўлмади.

"Отчопар"га етиб борганимизда шу нарса аён бўлдики, бу масканда фақат унинг номи қолибди. Маълум бўлишича, ер майдонларини аллақачон Қарши тумани қайтариб олибди. Отбоқарларнинг айтишича, яқингача бор бўлган 25 та отдан бор-йўғи бештаси қолган бўлиб, унинг фақат биттаси кўпкари ёки от спортига яроқли. Қўй-эчки, қорамоллар туёқ сони ҳам камайиб кетган. Ердан олинаётган ҳосил мутлақо талабга жавоб бермайди. Кузатув кенгаши раиси Абдумажид Ҳайитовнинг билдиришича, "Отчопар" ҳиссадорлик жамиятининг молиявий хазинасига акциядорларнинг 11 миллион сўмлик улуши қўшилган. Қишлоқ хўжалиги бўйича иш юритувчи ижрочи директор Шоймирза Маҳманазаровнинг айтишича, ўтган йили "Отчопар" ҳиссадорлик жамияти ер майдонидан 20 гектар майдонга арпа экилиб, 11 центнердан ҳосил олинган. 20 гектар майдонга пахта экилиб, режа бажарилган. Ҳосилнинг ҳисоби эса 2002 йил 26 апрелда ташкил этилган "Ола тулпор" номли фермер хўжалигига ўтиб кетган. Кейинги пайтда "Ола тулпор" фермер хўжалиги Қарши туман ҳокимининг қарорига биноан "Отчопар" очиқ ҳиссадорлик жамияти хузурида ташкил этилиб, унга "Манғит" хўжалиги ҳисобидан 173 гектар ер ажратилган. Фермер хўжалигига бу ерлар 10 йил муддатга ижарага берилган.

Хўш, "Ола тулпор" фермер хўжалиги раиси Абдихолиқ Ҳайитов "Отчопар"да фермер хўжалиги ташкил этгандан буён ўтган 8 ой мобайнида нима иш билан шуғулланди? Аслида хўжаликни ташкил этишдан мақсад нима? Бизнинг бу саволимизга фермер шундай деб жавоб берди: "Мақсад — "Отчопар"ни тиклаш, ободонлаштириш. Бунинг учун ерлардан юқори ҳосил олиш ва даромаднинг 40 фоизини от спортини ривожлантиришга сарфлаш. Банкдан 10 миллион сўм кредит олиб, зотдор наслли отларни кўпайтирмоқчимиз". Кўзланган мақсад яхши. Муҳими, "Отчопар"да 50 та отни боғлаб боқиш учун отхона мавжуд. Фақат уни қайта таъмирлаш, кўп йиллардан бери янтоқ босиб ётган машқ майдонларини хас-хашакдан тозалаб, йўл чизиқларини ажратиб чиқиш зарур. Боғ-роғлар уста боғбонлар қўлига топширилса, янада яхши иш бўлади. Экин экиладиган майдонлардан юқори ҳосил олиш ва мулк сифатида мавжуд техникадан унумли фойдаланиш масалалари ҳам эътибор талаб қилади. "Отчопар" ҳудудида от спорти мактаблари ташкил этиш масалаларини ҳам ўйлаб кўриш фурсати аллақачон етган.

Хулоса шуки, Қашқадарё вилоятидаги мутасаддилар озгина эътибор қаратишса, тез орада Қарши "Отчопар"ида мудом арғумоқлар кишнаб туради ва тулпорлар туёқлари дупуридан майдон гупурлаб кетади. От спорти вакиллари эса воҳа довруғини оламга ёйишади. Бунга асло шубҳа йўқ.

Ғози РАҲМОН,
"Инсон ва қонун" мухбири

ИЖРО ВА МАСЪУЛИЯТ

Tahlil ko`zgusi

Мамлакатимизда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг тадбиркорлик мақсадларида газдан фойдаланиш учун уланиш тартиблари Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 март куни чиқарилган 90-сонли қарори асосида ишлаб чиқилган ва Адлия вазирлигида 2002 йил 21 май куни давлат рўйхатидан ўтказилган 1142-сонли Низом билан белгиланган.

"Тошшаҳаргазтаъминот" шўъба корхонасида мазкур қарор ва Низом талабларига қандай амал қилинаётгани ўрганилганда, бир қанча қўпол қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди. Маълум бўлишича, Тошкент шаҳар ҳокимияти ва "Тошшаҳаргазтаъминот" шўъба корхонаси томонидан Низом талаблари тўғри тушунилмаган. Низомда ҳокимият ҳамда газ идораси ўртасида кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг мурожаатлари асосида ўзаро муносабатга киришилиши назарда тутилган. Амалиётда эса газга уланиш учун тадбиркорлик субъектининг ўзи ҳар бир муассасага алоҳида-алоҳида ариза билан мурожаат қилишига тўғри келмоқда. 10 кунлик муддат 1-2 ойларга ва баъзида уч ойдан кўп бўлган муддатларга чўзилиб кетмоқда.

Масалан, хусусий тадбиркор М.Нагимова тандирга табиий газ улатиш мақсадида ўтган йилнинг 29 июл куни "Ўзгазлойиҳа"дан ҳисоб қоғозини олиб, шаҳар ҳокимиятига ариза билан мурожаат қилган. Ҳокимият Низомнинг 3-бандига асосан 7 август куни "Тошшаҳаргазтаъминот" шўъба корхонасига тадбиркорнинг хужжатларини юборган ва 15 августгача маълумотномани олиши зарур бўлган. Лекин газ идораси фақатгина 27 сентябрда маълумотномани тайёрлаган. Бошқача айтганда, Низомнинг 2-бандидаги олти кунлик муддат бузилиб, 50 кунда жавоб берилган. Шундай ҳолат хусусий тадбиркор К.Нурмуҳамедов томонидан табиий газдан фойдаланишга рухсат олиш вақтида ҳам такрорланган. Яъни тадбиркор лойиҳа институти ҳисоб-қоғозини ҳокимиятга ўтган йили 10 июл куни топширган. Ҳокимият 27 июлда газ идорасига хужжатларни юборган. Бундан ташқари, тадбиркор 30 июлда газ идорасига қўшимча яна ариза ёзган. "Тошшаҳаргазтаъминот" шўъба корхонаси эса газ уланишига имконият борлиги тўғрисидаги маълумотномани 14 августда тайёрлаган ва ҳокимиятга юборган. Ҳокимият газдан фойдаланишга 10 сентябрда рухсат берган. Тадбиркорлик субъекти томонидан рухсат олиш жараёни Низомда белгиланган 10 кун ўрнига 2 ой давом этган. Бундай мисолларни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган 28 нафар фуқаронинг 2002 йилда газга уланиш учун рухсат олишларида кўриш мумкин.

Айрим тадбиркорларнинг мурожаатлари юзасидан газдан фойдаланишга рухсат беришга ҳар хил ёндашилган. Яъни, Низомда газдан фойдаланишга рухсат бериш учун жами бўлиб ўн кун белгиланган бўлса-да, 10 кундан кам бўлган вақт ичида ҳам хулосалар берилган. Масалан, хусусий тадбиркор А.Халиловнинг тандирхонасига табиий газ улаш учун имкониятни ўрганиб чиқиш тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимиятидан келган хатга газ идораси 10 кундан кам бўлган муддатларда жойига чиқиб, техник имкониятни ўрганиб, тегишли хулоса берган. Ёки хусусий тадбиркор М.Расулов мурожаати юзасидан хулоса бериш жараёнини ҳам мисол тариқасида келтириш мумкин.

Ушбу ҳолатларда газдан фойдаланиш учун Низомда белгиланган муддатларда рухсатномалар тайёрлашнинг аниқ имкониятлари мавжудлиги, фақат тадбиркорларнинг бундай мурожаатларини ҳал этилишига бир хилда ёндашилмаётганлиги сабаб бўлаётгани кўриниб турибди.

Табиий газ улаб берилишига рухсат олиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар алоҳида жараённи ташкил этгани ҳолда узоқ муддатларга чўзилиб кетмоқда. Лекин ушбу рухсатномани олгач, тадбиркорлик субъекти олдида тегишли лойиҳа чизиб, ва шартнома тузиш юзасидан иккинчи босқич ҳаракатлари бошланади ва шартнома тузилгунга қадар ўтган умумий жараён янада чўзилиб кетиши тадбиркорларни ортиқча оворагарчиликка олиб келмоқда.

Шусиз ҳам муддати чўзилиб кетаётган газ улашга рухсат олиш жараёни янада чигаллаштирилиб, тадбиркорлардан тегишли калькуляция асосида бўлиб-бўлиб 9 минг сўм атрофида пул олинмоқда. Бундан ташқари, ушбу жараёнда лойиҳа институтларига қайта-қайта қатнаш ва турли божларни тўлаш тадбиркорларга анча қийинчилик туғдираётгани ҳам бор гап. Қонунчиликда агар орадан бир йил вақт ўтказиб юборилса ва бу вақт ичида тадбиркор шартномани тузиб улгурмаса, унинг барча ҳаракатлари бекор бўлиб яна ишни қайтадан бошлаши керак, деган тартиб ўрнатилган. Вақоланки, газ улаш жараёнлари 6 ойдан ортиқ муддатларга чўзилиб кетган ҳолатлар ҳам мавжуд.

Тадбиркорлардан рухсат учун ортиқча ҳужжатлар, яъни маҳалласидан, туман газ идораларидан ишга тааллуқли бўлмаган турли маълумотномалар, паспортларнинг нусхаларини олиш, шунингдек, газ идорасининг ваколатига кирмайдиган турли мажбуриятларни ёздириб олиш ҳолатлари мавжуд. Масалан, тандирга газ улатиш учун рухсат сўраган тадбиркорларнинг ҳаммасидан алоҳида ариза олиниб, унда тадбиркор тандирхонада доимий рўйхатдан ўтмаган шахсларни ишлатмаслиги, қонунларни бузмаслиги ҳақида ёзма мажбурият олинган. Шу билан бирга зарурати бўлмаган аризаларни олиш ҳолатлари жуда кўп учрайди. Масалан, хусусий тадбиркор Йигитали Олимжоновдан ўзи истиқомат қилаётган маҳалла қўмитасидан кафолат хати олиб келиш талаб қилинган. Ушбу хатда маҳалла қўмитаси тадбиркорнинг газдан тўғри фойдаланишига кафолат берган. Хусусий тадбиркор Қ. Усмоновдан туман газ идорасидан қарзи йўқлиги ҳақида маълумотнома талаб қилинган. Хусусий тадбиркор Р.Обидовнинг ҳужжатларига қўшиб паспортининг нусхаси ҳам олинган. Хусусий тадбиркор К.Нурмуҳамедовнинг ҳужжатлари ичида тўртта ариза мавжуд. Т.Пўлатов, К.Нурмуҳамедов ва яна ўнлаб тадбиркорлардан Низомда кўрсатилмаган мажбуриятномалар ёздириб олинган. Вақоланки, ҳар қандай мажбурият тузилаётган шартномаларнинг тегишли бандларига киритилиши лозим.

Хуллас, "Тошшаҳаргазтаъминот" шўъба корхонаси мутасаддилари баён этилган нуқсонларни тезда бартараф этишлари зарур. Шунда тадбиркорларнинг сарсонгарчилигига чек қўйилади ва улар ўз имкониятларини халқимиз фаровонлигини таъминлашга сафарбар этишади.

Шавкат ТОЖИБОЕВ,
Адлия вазирлигининг
масъул ходими

ҚУВОНЧ ВА РАНЖ

ҚОНУН ТУФАЙЛИ ЮЗАГА КЕЛДИ

Qiyos

Муқбил ва Мудбир, Эгри ва Тўғри, Зумрад ва Қимматлар ҳақидаги афсона ва эртакларни кўп бор ўқиганмиз. Улардаги ёруғлик ва зулмат, эзгулик ва қабоҳат ўртасидаги азалий кураш ҳар биримизни сергакликка, чуқур мушоҳадага чорлаган. Ҳалол меҳнат ва текинхўрлик тушунчалари ҳам худди шундай. Гарчи Бош Қомусимизда таъкидланганидек, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга бўлса-да, бу имконни ҳар ким ҳар хил тушунади. Шу боис биров ҳалол меҳнатга, биров ҳаром луқмага ўрганган. Қуйида мана шу икки хил ҳолат ҳақида сўз юритишни лозим топдик.

"Анвар" фермер хўжалиги Тўрткўл тумани ҳокимининг 2001 йил 10 январидаги 44-сонли қарори билан ташкил этилди ва унга "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги ҳудудидан ўн йиллик муддатга 15,8 гектар ер ажратиб берилди. Ўша йилнинг 15 январида "Анвар" фермер хўжалиги ва "Ўзбекистон" ширкат хўжаликлари ўртасида 12,7 гектарлик экин майдонидан 31 тонна пахта ҳосили етиштириб бериш бўйича шартнома тузилди.

Фермер хўжалиги раҳбари Анвар Каримов енг шимариб ишга тушди. Қишнинг қировли кунлари-ю баҳор инжиқликларига қарамай, бор меҳрини деҳқончиликка берди. Тегишли ер майдонига пахта, қолган қисмига эса дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экди. Чигит текис униб чиқди, кўрган кўз қувонди. Афсуски, Оролбўйи ҳудудида йил бўйи давом этган сувсизлик фалокати "Анвар" фермер хўжалиги ерларини ҳам четлаб ўтмади. Экин майдонлари ақалли бир марта қониб сув ичмади. Натижа эса аён: фермер хўжалиги ва "Ўзбекистон" ширкат хўжаликлари ўртасида пахта ҳосили етиштириш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятлари бажарилмади.

Ширкат хўжалиги бошқаруви раиси А.Абдукаримов қонун-қоидани, мамлакатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларга, жумладан, фермерларга яратиб берилаётган имконларни англаб етмади. Шошма-шошарликка йўл қўйиб, 2002 йилнинг 14 мартида ширкат хўжалигининг вакиллар йиғилиши қарори билан ўртадаги шартномани бекор қилди.

Аммо фермер хўжалиги раҳбари тушкунликка тушмади. Ахир, табиий офат келтирган зарар учун у айбдор эмасдида! Ана шуни қалбан ҳис қилган, адолат устун келишига ишонган фермер қонун ҳимоячилари олдига шошилди.

Иккала хўжалик ўртасида тузилган шартноманинг 13-бандида қуйидаги сўзлар қайд этилганди: "Ердан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланилмаганда, олинган ҳосилдорлик норматив кадастр баҳосидан муттасил уч йил мобайнида паст бўлганда, ер участкасига нисбатан ижара шартномаси бекор қилиниши мумкин". "Анвар" фермер хўжалигининг фаолият юрита бошлаганлигига эса эндигина бир йил тўлганди!

Иккинчидан, Ер тўғрисидаги Кодекснинг 24-моддаси 11-бандида "Ер участкаларини ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви билан, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса, суднинг ҳал қилув қарори билан амалга оширилади", деб кўрсатилган. Ҳолбуки, ширкат хўжалиги вакиллар йиғилишининг ушбу можароли шартномани бекор қилган пайтида эса туман ҳокимининг "Анвар" фермер хўжалигини ташкил этиш ва унга 15,8 гектар ер майдони ажратиб бериш тўғрисидаги 44-сонли қарори ўз кучида бўлган.

Шуларга кўра, туман прокуратураси томонидан "Анвар" фермер хўжалиги билан тузилган шартномани бекор қилиш тўғрисидаги қарорга протест билдирилди. Ҳақиқат қарор топиб, фермер ҳақ-ҳуқуқи қайта тикланди. Ҳалол меҳнат билан топилган даромад ошга, тўй-ҳашамларга буюрадиган бўлди.

* * *

... Ака-укаларнинг фикри бир жойдан чиқди. Шунга кўра, тўрткўллик Рўзимбой ва Умиджонлар ўзлари яшайдиган хонадонда махфий ҳолда пахта чигитидан ёғ ишлаб чиқарувчи мослама (жувоз) қурмоқчи бўлишди. Зарурий механизмлар ҳам, керакли темир-терсаклар ҳам осонгина топила қолди. Мослама электр токига уланди.

Шундай қилиб, ака-укалар бирор жойда рўйхатдан ўтказилмаган "қўлбола" жувозни ғайриқонуний тарзда ишга тушириб юборишди. Мослама пахта чигитидан ёғ ва кунжара ишлаб чиқаришда давом этаверди. Текин даромаддан тушган пуллар ҳисобига уй мотоцикл, телевизор, шифонер, сандиқ, эшик, дераза роми сингари турли хил жиҳозлар, қурилиш анжомлари билан тўлаверди. Орадан бир йил вақт ўтгач, ака-укалар хомчўт қилиб кўришса, ноқонуний тарзда топган пуллари 380 минг сўмга етибди. "Ихтирочилар" пул таъмидан ширин тамшаниб қўйишди...

Қиғир ишнинг қийиғи чиқмасдан қолмас экан. Туман ички ишлар бўлими, давлат солиқ инспекцияси ва прокуратура ходимлари ака-укалар яшайдиган хонадонни кўздан кечирганларида, хона поли тагига пахта чигити уюми, турли идишларга жойланган кунжара ва пахта ёғларининг бекитиб қўйилганлигига гувоҳ бўлишди.

Тўлдирилган ҳужжатлар, далилий ашё сифатида олиб қўйилган маҳсулотлар ва кўп сонли гувоҳлар кўрсатмалари асосида иш ўз тасдиғини топди. Ака-ука Рўзимбой ва Умиджон Нуриевларнинг ҳар бирига Жиноят Кодексининг тегишли моддасига мувофиқ энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдорида жарима солинди. Текин даромад ҳисобига тўпланган 380 минг сўм эса давлат фойдасига ўтказилди. Ўзбошимчалик йўли билан фойдаланилган электр энергияси учун 475 минг сўм пул ундириб олинди. Шу тариқа ўғринча даромад, енгил меҳнат йўли бошга тўқмоқ бўлиб тушди.

Фахриддин НУРИДДИНОВ,
ҳуқуқшунос
Тожимурод ЭШМУРОДОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Huquqiy ma`rifat

МЕРОС ҲУҚУҚИ

Аввало шуни айтиш керакки, мамлакатимизда ҳар бир киши мерос қолдириш ҳуқуқига эга эканлиги Бош Қомусимиз бўлган Конституцияда кафолатланган. Бундан ташқари мерос ҳуқуқига оид фуқароларнинг мулкий муносабатлари фуқаролик қонунчилиги меъёрлари билан тартибга солинади. Жумладан, фуқаролик кодексига биноан мерос қолдирувчининг мерос қолдириш ҳуқуқи умрининг охирига қадар сақланиб қолади. Фуқаролар, яъни мерос очилишида шу уйда яшаган шахслар, фарзандлар, қариндош-уруғлар меросхўрлар ҳисобланади.

Конституциямизда кафолатланган мерос ҳуқуқий масаласи Қуръони каримнинг 7-сурасида ҳам зикр этилган бўлиб, унда жумладан, **"Эркаклар учун ота-оналари ва қариндош-уруғлари қолдириб кетган меросдан улуш бордир. Аёллар учун ҳам ота-оналари ва қариндош-уруғлари қолдириб кетган меросдан улуш бордир"**, 8-сурасида: **"Мерос тақсимида узоқ қариндошлар, етим ва мискинлар ҳам ҳозир бўлсалар, уларни ҳам шу меросдан баҳраманд қилиб, яхши сўз айтинглар"**, дейилади.

Фуқаролик Кодексининг қоидаларига биноан мерос икки йўл билан: қонун ёки васият қилиш орқали қолдирилади.

Ҳар бир шахс ўз мулкини тўлалигича ёки мулкнинг маълум бир қисмини бир кишига ёки бир неча кишиларга, меросхўрлар қаторига кирувчи юридик шахсларга ёки давлатга ёхуд ўзини-ўзи бошқариш идораларига мерос қолдириши, ўзининг васиятномасини ҳар қандай вақтда ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин. Аммо васиятномани ўзгартириш ёки бекор қилаётганда ҳеч кимдан уни нима учун ўзгартиргани ёки бекор этганини кўрсатиш талаб этилмайди.

Фақат ҳар бир васиятнома (васият) мерос қолдирувчи томонидан ёзма шаклда амалга оширилиши шарт.

Энг асосийси, давлат ҳар қандай васиятноманинг сир тутилишини кафолатлайди.

Фуқаролик қонунчилигига асосан меросхўрлар қонун бўйича навбатма-навбат мерос олиш йўли билан меросга эга бўлади. Фуқаролик Кодекси бўйича меросхўрларнинг қуйидаги даражалари белгиланган бўлиб, улар қонун талабидан келиб чиқиб меросни тенг миқдорда бўлиб олишади:

1. Мерос қолдирувчининг фарзандлари, (фарзандликка олинган болалари), шунингдек, мерос қолдирувчининг ўлимидан кейин туғилган болалари;

2. Мерос қолдирувчининг қариндошлари, ака-укалари ва опа-сингиллари, бувиси ва бувваси, ота тарафидан бўлганидек, она тарафидаги қариндошлари;

3. Мерос қолдирувчининг тоға ва амма-холалари;

4. Мерос қолдирувчининг олтинчи авлодгача бўлган узоқ қариндошлари.

Кези келганда яна шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, навбатдаги меросхўрлар даражаси ўзларидан олдинда турган меросхўрлар бўлмаган тақдирдагина мерос олиш ҳуқуқига эга.

Ҳозирда, вилоят ва туманлараро фуқаролик судлари томонидан кўриб чиқилаётган турли тоифадаги низолар ичида мерос билан боғлиқ низолар ҳам учраб туради.

Шу ўринда ҳаётий бир мисолга мурожаат этадиган бўлсак, фуқаро Алиева Оминахон судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, онасидан қолган Навоий хўжалиги, Бобур кўчасидаги ҳовлини мерос мулк сифатида бўлиб, марҳума онаси Р.Тўйчиевани эгалик ҳуқуқини тиклаб беришни сўраган.

Мазкур низоли иш Кўрғонтепа туманлараро суди томонидан биринчи инстанцияда, фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судининг кассация инстанцияси ва вилоят суди Раёсатида кўриб чиқилиб, томонлар ўртасидаги низо бўйича қонуний тўхтамга келинди ва қарор қабул қилинди. Аниқланишича, биринчи инстанция суди томонидан тайинланган суд қурилиш экспертизасининг берган хулосасига кўра, низоли уй-жойни умумий баҳоси 1413090 сўми ташкил этган. Бунинг 728498 сўми О.Алиеванинг опаси Т.Эргашева томонидан қўшимча қурилиш ва бошқа ҳаражатлар миқдори этиб белгиланган. Уй-жойни қолган баҳоси 684592 сўмни ташкил этиши аниқланган.

Суд томонидан Фуқаролик Кодексининг 216-моддасига биноан низоли уй-жойга марҳума Р.Тўйчиева ва Т.Эргашеваларнинг эгалик ҳуқуқи белгиланиб, умумий мулки деб топилган. Натижада уйнинг умумий қийматидан Т.Эргашеванинг улуши чиқариб ташланган. Даъвогарлар О.Алиева, Ш.Эргашева ва жавобгар Т.Эргашевалар (барчаси Р.Тўйчиеванинг қизлари) меросхўр деб топилган.

Суд иш ҳолатларидан келиб чиқиб, Т.Эргашеванинг кексайиб қолгани, ногиронлиги ва бошқа меросхўрлар қарши эмаслигини инобатга олиб, уй-жойни Т.Эргашевага қолдириш, О.Алиева ва Ш.Эргашеванинг ҳар бирига уй-жой қийматини қолган қисмидан ўз улушини пул қийматида, яъни 22897 сўмдан ундириш мақсадга мувофиқ, деган қонуний тўхтамга келди.

Бу мисолни баён этишдан кўзланган мақсад шуки, мерос билан боғлиқ ҳар бир низоли иш қонуний ҳал этилса, ҳеч кимда ортиқча эътироз қолдирмайди. Бу эса, мамлакатимизда мерос билан боғлиқ барча масалалар қонун билан тартибга солинганини англатади.

Абдурасул МАДРАҲИМОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят суди раиси

Mitti maslahat

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

ҚАРИНДОШ-УРУҒЛАР БИР ЖОЙДА ИШЛАШИ МУМКИНМИ?

Мамлакатимиз меҳнат қонунчилигида қариндош-уруғлардан бирининг бошқасига бевосита бўйсуниб ёки назорати остида ишлаш ҳолати таъқиқланган. Бу қоида Меҳнат Кодексининг 79-моддасида ўз аксини топган. Бироқ бу борада баъзи бир истиснолар ҳам борки, уларни билиб қўйиш ҳар бир фуқаро учун фойдадан холи эмас.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 март куни чиқарилган 133-сонли қарорига 3-илова билан тасдиқланган, давлат акциядорлик корхоналарининг Меҳнат Кодексининг 79-моддасида назарда тутилган қариндош-уруғларнинг (агар уларнинг хизматлари улардан бирининг бошқасига бевосита бўйсуниши ёки назорати остида бўлиши билан боғлиқ бўлса) бирга хизмат қилишларини чеклаш қоидаларидан истисно этилиши мумкин бўлган ходимлари рўйхати қуйидагилардан иборат:

1. Хориждаги дипломатик хизмат ходимлари;

2. Давлат қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари, шунингдек, қишлоқ жойлардаги қишлоқ хўжалиги бўйича илмий-тадқиқот муассасаларида ишловчи қишлоқ хўжалиги мутахассислари:

3. Темир йўл транспортининг линия корхоналари ходимлари, шунингдек, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг йўл қурилиш-монтаж ва темир йўлларнинг ихтисослаштирилган трестларининг қурилиш-монтаж ва кўприксозлик поездлари, механизациялашган колонналари ва бошқа ҳаракатланувчи тузилмаларнинг ходимлари, (бу корхона ва ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари);

4. Алоқадан фойдаланиш корхоналари ва ташкилотлари ходимлари;

5. Соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика ва санитария-профилактика муассасаларининг шифокорлари;

6. Барча ўқув ва тарбия муассасаларидаги педагог ходимлари, ўқитувчилар, библиографлар ва кутубхоначилар;

7. Театрлар, бадиий жамоалар ва студияларнинг артистлари, рассом ва мусиқачилари;

8. Илмий муасасалар ходимлари, шунингдек, сейсмик станциялар ходимлари;

9. Гидрометерология бош бошқармаси тармоқ ташкилотларининг ходимлари;

10. Дала геология экспедициялари, партиялари, отрядлари ва участкалари ходимлари;

11. Қишлоқ жойларда ишлайдиган ўрмон ва сув хўжалиги мутахассислари, халқ таълими ходимлари, тиббиёт ходимлари, маданий-маърифий муассасалар ходимлари;

12. Умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларидан фойдаланишни амалга оширувчи йўл ташкилотларининг ходимлари (бу ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари);

13. Қурилиш-монтаж ва кўприксозлик поездлари, механизациялашган колонналар ва бошқа кўчма махсус қурилиш тузилмаларининг ходимлари (бу ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари);

14. Дарё флоти кемаларининг сузувчи таркиби ходимлари ва дарё транспортидан фойдаланиш корхоналари ва ташкилотлари ходимлари (бу ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари);

15. Магистраль трубопроводлар қурилиши ҳамда нефть ва газ конларини тартибга келтиришни амалга оширувчи қурилиш, қурилиш-монтаж ва бошқа ихтисослаштирилган бошқарма ва участкаларнинг ходимлари (бу ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари);

16. Ҳавза ва кўллардаги балиқчилик хўжаликлари, балиқчилик заводлари, балиқларга увулдириқ сочиш ва уларни ўстириш хўжаликлари, балиқларни озиқлантирадиган жойларнинг ходимлари (бу корхоналарнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари);

Таъкидлаш жоизки, ушбу рўйхат ҳар битта ташкилотда кўзга кўринарли жойга осиб қўйилмоғи лозим. Зеро, амалиётда меҳнат қонунчилигини яхши билмаган баъзи фуқароларнинг Меҳнат Кодеси 79-моддасини рўкач қилиниши натижасида ишдан бўшатилаётгани ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

Демак, қонунчиликдаги аниқлик халқ ва жамият манфаатига хизмат қилишини ҳисобга олган ҳолда мазкур рўйхатни билиб қўйиш зарур.

Чанқовуз оҳанглари

Ҳозирги пайтда бутун дунё мамлакатлари олдида тинчликни сақлаш, осойишталикни таъминлаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу соҳада ҳар бир мамлакатнинг ички ишлар идоралари алоҳида ўринга эга. Чунки айнан шу идоралар фуқароларнинг тинч-фаровон яшашларини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш каби ўта масъулиятли вазифаларни амалга оширади. Аксарият мамлакатларда уларни қисқа қилиб "Полиция" деб аташади.

Шу ўринда дунёнинг ривожланган мамлакатларидан бири бўлган Америка Қўшма Штатларида полиция тизими, полиция тузилмасининг ташкил этилиши ва фаолияти ҳақида тўхталиб ўтамиз.

АҚШда илк бор доимий ишловчи полиция Департаменти 1845 йилда Нью-Йоркда, кейинроқ эса Бостонда ташкил топган. Ушбу полиция Департаментларининг ваколатлари доирасига нафақат жиноятлар бўйича ишлар, балки қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни сақлаш вазифалари ҳам кирган. Мазкур Департаментлар ўша пайтда тўлиқ давлатга бўйсунган ва уларнинг фаолияти қаттиқ назоратга олинган. Таъкидлаш жоизки, айнан Америка Қўшма Штатларида полиция тизими давлат бошқаруви идораси ва фан сифатида шаклланди. Энди бевосита ушбу тизимга тўхталсак, у федерал ва маҳаллий даражадаги умумий юрисдикциядаги 19000 та алоҳида ҳамда махсус юрисдикциядаги 21000 та қўшимча полиция бошқармаларидан иборат.

Полиция идорасининг ижрочи бошлиғи бўлиб комиссар, суперинтендант ёки полиция шефи ҳисобланади. У одатда мэр томонидан ёки маҳаллий қонун чиқарувчи идора томонидан тайинланади. Шуниси эътиборга моликки, йирик полиция Департаментларида ижрочи раҳбар умумхалқ сайловлари орқали сайланади.

Округ даражасида полиция бошқармасининг бошлиғи одатда "Шериф" деб аталади. Деярли барча жойларда шерифлар ушбу лавозимга сайланади ва ўринбосарларини тайинлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Мамлакат қонунчилигига биноан, полиция ваколатлари фуқаролик манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш, хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш вазифаларини амалга ошириш учун давлат ёки муниципал ҳукумат томонидан белгиланган ҳуқуқлар сифатида намоён бўлади. Шундай бўлсада, полиция ваколатларининг аниқ доирасини белгилаш жуда мушкул. Чунки мамлакатда ижтимоий ҳаётнинг, технологиянинг ривожланиши, янги давлат идораларининг шаклланиши билан унинг ваколатлари тобора кенгайиб бормоқда. Масалан, полиция ваколатлари доирасига тинчлик ва тартибни сақлаш, алоҳида савдо операциялари ва профессионал фаолиятни (хусусий қидирув амалиёти) лицензиялаш, жамоат бирлашмалари ва корпорациялари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, **"Мовий Осмон қонунлари"** (Blue Sky Laws) деб номланувчи табиатга нисбатан босқинчилик муносабатида бўлишнинг олдини олишни тарғиб этувчи нашрларни тартибга солиш ва таъминлаш, меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш каби ваколатлар ҳам киради.

АҚШ: ПОЛИЦИЯ ТИЗИМИ

Таъкидлаш жоизки, полиция ваколатлари умумий қонунчиликка асосланади ва Америка Конституцияси ҳамда штат конституциялари доирасида амалга оширилади. 1936 йилга қадар АҚШ Олий суди полиция ваколатларини тартибга солиш соҳасидаги давлат ва маҳаллий қонунчиликни қайта кўриб чиқиш масаласини батафсил ўрганиб чиқди ва бу ишларнинг самараси ўлароқ, 1968 йил 9 июлда АҚШ Конституциясига айрим тузатишлар киритилди. Конституцияга киритилган ушбу тузатишлар орқали полиция ва полиция департаментлари офицерларининг ваколатлари доираси анча кенгайди. Масалан, полиция офицери ҳар қандай хавфли ҳолатда қурол ишлатиш ҳуқуқига эга бўлди.

Патрул офицерлари ва назорат офицеридан таркиб топган Патрул хизмати асосий полиция вазифаларини амалга оширади. Патрулларнинг аксарият қисми ҳозирги вақтда махсус жиҳозланган автомобиллар ва мотоцикллар, шунингдек, замонавий алоқа воситалари билан таъминланган. Бу эса ўз навбатида патрул офицерларининг полиция бошқармалари билан ўз вақтида боғлана олишлари ва тезкор маълумотларни олиш имконини беради. Унча катта бўлмаган бошқармаларда патрул хизмати бир полициячи томонидан автомобилда ёки пиёда амалга оширилиши кўзда тутилган. Йирик бошқармаларда эса фақат автомобилларда икки нафар ва ундан ортиқ офицерлар таркиби бу иш билан шуғулланади. 1970 йилдан бошлаб патрул хизматида аёллар ҳам иштирок этмоқда ва ҳозирда аёллар сони тобора ортиб бормоқда.

Патрул офицерлари томонидан амалга оширилган дастлабки қидирув ишларидан сўнг тегишли бўлимлардаги махсус детективлар сўнгги қидирувни олиб боради ва зарур бўлса ишни судга оширади. Фаолият кўрсатаётган детективларнинг аксарияти ушбу лавозимга патрул хизматида кўп йиллар ишлагандан сўнг ўтади. Айрим йирик департаментларда детективлар ихтисослашган бўлимларга ажратилган. Масалан, қотиллик, босқинчилик, наркотикка оид жиноятлар қидируви бўлимлари ва ҳоказо.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги ва йўлтранспорт ҳодисалари қидирувини амалга ошириш патрул офицерларининг зиммасига юкланган. Бошқа давлатлар полиция тизимидан фарқли ўлароқ, АҚШда ушбу вазифа алоҳида бошқармага берилмаган. Йирик шаҳарларда (Нью-Йорк, Вашингтон) махсус патруллар жиддий йўл транспорти ҳодисалари ва авариялларга доир ишларни кўриб чиқиш ҳуқуқига, мотопатруллар эса ҳаракатни тартибга солиш ва йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима солиш ҳуқуқига эга.

Ҳозирги пайтда АҚШ замонавий полиция тузилмаларида махсус хусусиятга эга бўлган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида алоҳида бўлинмалар ташкил этилган. Мамлакатнинг аксарият шаҳарларида фавқулодда вазиятларда ҳуқуқтартиботни ва халқ осойишталигини сақлаш мақсадида тактик бўлинмалар махсус тайёргарликдан ўтади. Портловчи қурилмаларни зарарсизлантириш ва минани йўқ қилиш учун сапёрлар бригадалари доимий тайёргарлик ҳолатида турадилар.

Ихтисослаштирилган тактик бўлинмаларнинг энг кўп тарқалган шаклларидан яна бири террорчиликка оид ҳаракатлар билан курашиш бўйича ҳарбийлаштирилган отрядлар ҳисобланади.

АҚШ полиция тизимида полициянинг жамоатчи ёрдамчиларидан фойдаланиш тобора оммалашмоқда. Мамлакатнинг бир қанча шаҳарларида бундай фуқаролик патруллари самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг ваколат доирасига жамоат тартибини бузишга доир майда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда айрим транспорт ҳуқуқбузарликларини назорат қилиш каби вазифалар киради. Бундай жамоат тузилмаларидан табиий офатлар даврида, йирик намойишлар ва тартиббузарлик ҳолатлари юзага келганда шунингдек, бошқа полиция департаменти шахсий таркиби етмаган ҳолатларда фойдаланилиши мумкин.

Айни кезларда АҚШда полиция департаментлари ва хизматлари маъмурияти касб маҳоратини ошириш, патрул полициячиларнинг тезкор фаолиятини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Полиция офицерлари сафида жиноятчиликнинг ошиб бориши билан полиция кадрлари устидан назорат (ушбу вазифани "ички полиция" амалга оширади) ҳам кучайди. Малака текширувлари, мувофиқлик комиссиялари ва бошқа полициянинг касбий маҳоратини юқори даражага кўтариш билан боғлиқ чора-тадбирлар шулар жумласидандир.

Кўриниб турибдики, АҚШ полиция тизими кўплаб хусусиятлари билан бошқа давлатларнинг полиция тизимидан ажралиб туради.

Акмал БУРҲОНОВ

ОИЛА ШАЪНИ – МУҚАДДАС

Мустақиллигимиз шарофати туфайли фуқароларимиз кўпгина эркинликларга, ҳуқуқларга эга бўлди. Лекин ушбу эркинлик ва ҳур фикрлиликни нотўғри қабул қилган айрим ёшлар, ҳатто оила бошлиқлари ҳам кейинги пайтларда оила қуриш тушунчасига юзаки муносабатда бўлмоқдалар. Айрим ёшлар диний расм-русумларга берилиб, асосан никоҳ ўқитиш билан чегараланишмоқда, бу эса оталикни белгилаш ҳолатлари мураккаблашувига олиб келади. Албатта, бу ҳолатни қоралаш фикридан йироқмиз, лекин асосий мақсад — илдизи мустаҳкам оила қуриш бўлгач, никоҳни тегишли идораларда ўз вақтида қайд эттирса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Конституциямизнинг 63-моддасида қонуний никоҳ тузиш ва оилани ташкил этиш принциплари ҳақида сўз юритилиб, **"Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга"**, дейилади. Асосий қонунда белгиланган ҳамма тамойиллар, қоидалар оила ҳаётига, оилавий муносабатларга ва уни тартибга соладиган бошқа қонунларга ижобий таъсир кўрсатаётганлигини тушунтириш имконини ҳам беради.

Қонуний никоҳ эркак ва аёл ўртасидаги тенглик ҳамда ўзаро хоҳиш асосида тузилган эркин иттифоқ бўлиб, мақсади оила қуриш, фарзанд кўриш, уларни жамиятнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Никоҳни тегишли давлат идорасида қайд этишлик унинг вужудга келганлигини исботловчи бирдан бир далилдир. Бундай талабнинг қўйилишидан мақсад бошқа йўллар, масалан, диний йўл билан ёки маҳаллий урф-одатларга амал қилинган ҳолда тузилган никоҳ юридик аҳамиятга эга эмаслигини кўрсатиб ҳам ўтишдир. Никоҳ давлат ва жамоат манфаатларини кўзлаб, шунингдек, эр ва хотиннинг, фарзандларнинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этиш мақсадида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш идораларида тузилади.

Никоҳ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб эр-хотин ўртасида қатор ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуини пайдо қилади. Туғилган бола ҳам никоҳдан туғилган бола деб ҳисобланади ва шунга кўра, у ота-онага нисбатан барча ҳуқуқ, бурчларга эга бўлади.

Оила кодексининг 13-модда 2-банди талабига кўра, "диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас", дейилади. Лекин ушбу банд талаби мазмунидан никоҳ тузишда диний маросимларга амал қилиш инкор этилади деган тушунча келиб чиқмаслиги лозим. Чунки бу никоҳга кирувчиларнинг шахсий эътиқодига боғлиқ бўлиб, улар никоҳни давлат рўйхатидан ўтказишдан олдин ёки кейин ҳам диний одатлар бўйича ўқитиш мумкин.

Олий Мажлис томонидан 1998 йил 1 майда қабул қилинган **"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"**ги Қонуннинг 3-14-моддаларига мувофиқ динга эътиқод қилувчи шахслар учун никоҳ тузишда азалдан урф-одат бўлиб қолган диний расм-русум ва маросимларга амал қилишларига қаршилик кўрсатилмайди. Лекин юқорида таъкидлаганимиздек, бундай тартибда тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамият касб этмайди ва никоҳ тузилган деб ҳисобланмайди.

Қонунга биноан фақат фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идорасида қайд этилган никоҳгина эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятларининг келиб чиқишига асос бўлади.

Оила қурувчиларнинг қонуний никоҳ муносабатига кириши уларнинг ҳуқуқий муносабатини ўзгартириб юборади. Никоҳга киргунга қадар уларнинг бири "аёл", иккинчиси "эркак" деб номланиб келган бўлса, никоҳ туфайли улар эр-хотинга айланиб, ўрталаридаги муносабатлар фақат ахлоқий қоидалар билан эмас, балки ҳуқуқий меъёрлар билан ҳам тартибга солинади.

Адолат ва тенглик қарор топган демократик жамиятда оилавий муносабат юксак идеаллар — муҳаббат, дўстлик, биродарлик, ўзаро ҳурмат, иззат-икром тамойиллари асосида тузилиши муқаррар.

Никоҳнинг озод, эр ва хотиннинг никоҳга ўтиши эркин бўлиши — оила муносабатларининг мустаҳкамлигини таъминловчи муҳим омил эканини сира унутмаслигимиз лозим.

Муҳаббат ЧОРИЕВА,
Шеробод тумани

КИМНИНГ ГАПИ ЎТАДИ?

ЁКИ БЎЗ ТУМАНИДА СУД ҚАРОРЛАРИ НЕГА ЎЗ ИЖРОСИНИ ТОПМАЁТГАНИ ХУСУСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Энди суд қарорининг ижросига келсак, шу кунга қадар Бўз тумани ҳокимлиги билан туман ижрочилар бўлинмаси ўртасида ёзишмалар давом этмоқда.

"Суднинг ҳал қилув қарори ижрога қаратилиши лозим", — деб ёзади фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг раиси Зойиджон Ҳамидов 2002 йил 30 ноябр куни Бўз тумани катта суд ижрочисига.

"Бўз тумани ҳокимлиги Шаҳрихон (аслида Бўз — И.Э) туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди ва Фарғона вилоят суди судлов ҳайъатининг ажрими ва вилоят суди раисининг 2002 йил 30 ноябр кунги № 1-771 сонли раддия хатига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси номига жазо тартибида шикоят ариза ёзди. Ушбу ариза текширилгунига қадар ижрони тўхтатиб туришингизни илтимос қиламан", — деб ёзади Бўз тумани ҳокими Жўрабек Ўринбоев.

Қисқаси, икки ойдирки, ана шундай ёзишмалар давом этмоқда. Лекин суд қарорлари ўз ижросини топмаяпти. Ҳолбуки, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят суди судлов ҳайъати ўз ажримини 2002 йил 25 сентябрда чиқарган. Шундан буён ҳам орадан анча вақт ўтди.

Энди "Сайёд", "Давлат", "Мўйдинов Тожиддин" фермер хўжаликлари ҳақида икки оғиз сўз. Шуни айтиш керакки, ҳар учала фермер хўжаликларига тегишли бўлган ер майдонлари 1995 йил 25 май куни туман ҳокимлигининг қарори билан олиб қўйилган. Бундан норози бўлган фермер хўжалиги раҳбарлари судга ариза билан мурожаат қилишган. Вилоят хўжалик суди уларнинг даъволарини қаноатлантирди, жавобгар-туман ҳокимлиги эса шикоят келтирган. Аммо бу шикоят яна суд томонидан рад этилган. Шундан сўнг бу иш яна туман ҳокимлигининг шикояти билан назорат тартибида Республика Олий хўжалик судида кўриб чиқилиб, фермерларнинг даъво аризалари қаноатлантирилди.

Шундан сўнг туман ҳокими қарори билан фермер хўжаликлари давлат реестрларига тикланди-ю, бироқ уларнинг ер майдонини қайтариб бериш Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалик аъзоларининг умумий йиғилиши ҳукмига ҳавола этилди. Умумий йиғилиш эса уларга ер беришни рад этди.

Қизиқ ҳолат: аввалига фермерларнинг ерлари туман ҳокимининг қарори билан тортиб олинган. Суд ана шу қарорни ғайриқонуний деб топди. Аммо ҳокимлик бу масалани адолатли ҳал этиш, суд қарори ижросини таъминлаш ўрнига уни ширкат хўжалиги эътиборига ҳавола этяпти...

Хўш, буни қандай тушуниш керак?!.

Буёқда денг Республика Олий хўжалик судининг қарори билан ҳам ишлари битмаган фермерлар энди Бўз туман прокуратурасига мурожаат этишди.

Туман прокурори Зафаржон Рустамов фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб, судга даъво аризаси киритди. Фуқаролик ишлари бўйича Асака туманлараро судининг судьяси Алижон Хушвақтов раислигида бу иш кўриб чиқилиб, (2002 йил 5 ноябр куни) даъво қаноатлантирилди. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, жавобгар Бўз туман ҳокимининг 2001 йил 18 декабрдаги қарорини "Сайёд", "Давлат" ва "Мўйдинов Тожиддин" фермер хўжаликларига ерларни узоқ муддат ижарага беришни Навоий номли ширкат хўжалиги умумий мажлисига ҳавола қилиш ҳақидаги қисми бекор қилинди.

Жавобгар — Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги умумий мажлисининг 2001 йил 27 декабрдаги фермер хўжаликларига ерларни узоқ муддатли ижрага беришни вақтинча тўхтатиш ҳақидаги қарор қисми ғайриқонуний деб топилди ва бекор қилинди.

Бундан ташқари Бўз тумани ҳокимлиги зиммасига "Сайёд", "Давлат" ва "Мўйдинов Тожиддин" фермер хўжаликларига ажратилган ер майдонларини қайтариб бериш мажбурияти юклатилди.

Энг қизиғи шундаки, жавобгарлар Бўз тумани ҳокимлиги ва Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги вакиллари суд мажлисига бир неча марта чақиртирилган бўлса-да, улар бирор марта ҳам келишмади. Бунинг устига уларга тегишли қонун тартибида алоқа хатлари ҳам жўнатилган эди.

Шунинг учун жавобгарларни судга келтириш имконияти бўлмаганлиги сабабли Фуқаролик Процессуал Кодексининг 224-моддасига кўра, суд сиртдан ҳал қилув қарори чиқарди.

Аммо амалдаги қонунларни писанд этмай судга келмаган Бўз туман ҳокимлиги унинг ҳал қилув қароридан норози бўлиб, яна шикоят аризаси ёзди. Судья Алижон Хушвақтов мазкур аризани кўриб чиқиб, 2002 йил 27 декабр кун асоссиз бўлганлиги учун уни рад этиб, ажрим чиқарди.

Буни қарангки, туман ҳокимлигининг шикоят аризасини кўриб чиқиш мақсадида даъвогар ва жавобгарлар 2002 йил 26 ноябр ва 27 декабр кунлари суд мажлисига чақирилди. Аммо яна даъвогарлар ўз вақтида етиб келишди, аммо жавобгар — Бўз тумани ҳокимлиги вакили суд мажлисига яна келмади.

Шикоят ариза Фуқаролик Процессуал Кодексининг 232-моддасида **"суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган шахсларнинг келмаслиги аризани кўриш учун тўсқинлик қилмайди"**, деб белгилаб қўйилгани учун яна жавобгарнинг иштирокисиз кўриб чиқилди.

Шунингдек, ФПКнинг 233-моддасида **"суд сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани кўриб, ўзининг ажрими билан аризани қаноатлантирмай қолдиришга ҳақли"**, деб белгилаб қўйилгани учун ажрим чиқарилди.

Мана бу галги суднинг ажрими чиққанига ҳам бир ойдан зиёд вақт бўлди. Аммо туман ҳокимлиги суд қарорларини бажаришни ҳаёлларига ҳам келтиргани йўқ.

Фермерлар эса шундай ҳақли саволни қўндаланг қўйишмоқда:

"Суд қарорлари қачон ижро этилади?!"

Сўнгги сўз ўрнида: *биз кимнидир қоралаш ёки оқлаш фикридан йироқмиз. Аммо юқорида баён этилган фикрларни ўқиган ҳар бир ўқувчи кўнглида шундай табиий савол туғилади: мазкур низоли масала юзасидан судлар бир неча марта қонуний тўхтамга келган бўлса-да, нега муаммо ҳамон аниқ ечимини топмаяпти? Бунга нима тўсқинлик қилмоқда? Тадбиркорлик фаолиятини тараққиётимиз асоси, деб қаралаётган бир пайтда масалага бундай совуққон ва лоқайд қарашни қандай изоҳлаш мумкин?*

Ўйлаймизки, мутасадди раҳбарлар бу саволларга аниқ жавоб беришади.

Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ОДАМЛАР НЕГА ШИКОЯТ ЁЗАДИ?

Ҳурматли таҳририят ходимлари, сизлардан ҳақиқатни қарор топиши учун ёрдам беришларингизни сўрайман".

Муҳтарам муштарийларимиз мактуб мазмуни билан танишдилар. Хўш, сизнинг кўнглингизда ҳам баъзи бир саволлар пайдо бўлгандир? Бизнинг кўнглимиздан ҳам баъзи фикрлар кечдики, келинг, ана шу мулоҳазаларимизни ҳам сиз билан таништирайлик. Туман прокурори ўз протестида туман ҳокими ва фермер хўжаликлари уюшмаси қарорини бекор қилишни сўрайди ва бунинг сабабларини кўрсатиб беради. Унинг протестига асосан "Чолиқуши - Эски шаҳар" фермер хўжалиги тугатилади. Протестда келтирилган асосий сабабларни инкор этмаган ҳолда айрим саволларни қўямиз. Биринчидан, фермер хўжаликлари уюшмасининг 49-сонли қарори чиқарилгунча хўжаликнинг ҳуқуқшуноси бу масалада ўз фикрини айтиши керак эмасмиди? Иккинчидан, туман ҳокими 716-717 қарорларига имзо чекишдан олдин ҳуқуқшунос билан маслаҳатлашмаганми? Учинчидан, агар қонун бўйича Ҳ. Саитмуродова фермер хўжалиги тузиши мумкин бўлмаса, нега унинг фермер хўжалиги рўйхатга олинди? Шу ва шунга ўхшаш ўнлаб саволлар бизни ўйлантириб қўйди.

Аслида ушбу масалани ўз жойида, яъни Жарқўрғон туманида ҳал қилиш мумкин эдику? Бизга Панжи Нодиров ҳақ дейиш эмас. Мақсадимиз ҳам, саволимиз ҳам битта: нега фуқаролар ўз аризаларига маҳаллий раҳбарият томонидан ўз вақтида жавоб ололмаяпти?

Навбатдаги мактубни бизга Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, Орзу Маҳмудов номидаги ширкат хўжалигининг "Товарон" қишлоғида истиқомат қилувчи Ҳамидулла Убайдуллаев йўллаган. Шикоят ҳатининг мазмуни қуйидагича:

"...Кейинги пайтларда хўжалигимизда тез-тез раҳбар алмашиши одатий ҳолга айланди. Бунинг натижасида биз — оддий меҳнаткашлар жабр чекаяпмиз. Иш ҳақларимизни тўлаш ўлда-жўлда қолиб кетаяпти. Янги келган раис "олдинги раҳбар ишлаган давр учун мен жавоб бермайман", дейди. Ахир, раис алмашгани билан хўжалик жойида турибди-ку?

Мана, бир мисол. 2001 деҳқончилик йилида шартномада кўрсатилган режаларни бажардик. Лекин шартномада кўрсатилганидек, агар режани бажарсак, бизга берилиши керак бўлган 600 килограмм ўсимлик ёғи ўрнига 210 килограмм ўсимлик ёғи, 2300 кунжаранинг ўрнига 840 килограмм кунжара, 1800 килограмм шелуханинг ўрнига 700 килограмм шелуха олдик. Қолган ҳаққимизни сўрасак, раҳбарларимиз "отангга бор, онангга бор"-дан нарига ўтишмаяпти. Ахир, бир йилда бир хўжаликда тўрт марта раис алмашса, деҳқонда нима айб?.."

Энди бунисига нима дейсиз? Шикоятчини ноҳақ, деб бўлмайди. У ўз ҳақини талаб қилаяпти. Хўжаликда раис ўн марта алмашадими ёки умуман алмашмайдими, бу деҳқоннинг меҳнат ҳақини олиш ёки олмаслигига алоқадор эмас. У ишлагани учун ҳақини олиши керак. Қолаверса, шикоят хатида раислар алмашиши оқибатида хўжаликда йўл қўйилган талон-тарожлар ҳақида ҳам фикр юритилганки, биз бу ҳолатларни текширишни бевосита соҳага мутасаддилар эътиборига ҳавола этиш — вазифамиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қаерда лоқайдлик ва эътиборсизлик мавжуд бўлса, фуқароларнинг мурожаатларига бефарқлик билан қаралса, ўша ерда шикоятбозлик пайдо бўлади. Аризабозлик бор жойда эса ўз-ўзидан асаббузарликка йўл қўйилади. Ҳар қандай асаббузарлик ҳам ўз навбатида иш унумининг пасайишига олиб келади. Ҳар бир одам — у мансабдор бўладими ёки оддий ишчими — ўз вазифасига виждонан, қонун талаби доирасида ёндашадиган бўлса, ўз ишига бефарқ қарамаса, ҳар қандай камчиликнинг олди олинади. Шикоятбозлигу асаббузарликларга ҳам чек қўйилади.

Шундай эмасми?

И. ҲАМРОЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ушбу сондаги суратлар муаллифи Абдуғани ЖУМАЕВ

Қувон, болажон!..

Charxi kajraftor...

СУДЛАНГАН... РОМАН

Бу воқеа 1857 йилнинг 31 январ куни юз берган эди. Париж судининг олтинчи мажлислар залида фавқулодда суд жараёни бўлиб ўтди. Суднинг қора курсисида ёзувчи Гюстав Флобер, "Ревю де Пари" журнали муҳаррири жаноб Пиша ва ношир Пилле жой олган эди. Гап шундаки, бу шахслар, яъни ёзувчи Флобер жамоат ахлоқи ва динни ҳақоратловчи "Бавари хоним" романини ёзгани, муҳаррир бу асарни ўз журналида нашр қилгани, ношир эса уни чоп этгани учун айбланишди.

Мазкур суд жараёнида қораловчи сифатида иштирок этган империя прокурорининг ёрдамчиси Эрнест Пинар суд аҳлини умумэътироф этган ахлоқнинг топталишига йўл қўймасликка чақирди. У Флоберни ўз асари орқали ўлкадаги ижтимоий ахлоқни "никоҳнинг ифлос ва разиллиги", деб баҳолаганликда, зинони бадиийлаштирганликда, дахлсиз ижтимоий институтлар ва муқаддас диний қадриятларни масхара қилганликда айбдор деб топди. Романни ўта зарарли, шаҳвоният билан тўйинтирилган ахлоқсизликни тарғиб этувчидир, деб таърифлайди.

Прокурор ўз нутқини «асосий айбланувчи, яъни Флоберга қонунларимизнинг кучини кўрсатиб қўйишимиз зарур» деган хулоса билан якунлайди.

Аммо Флобер ва унинг "ҳамтовоқлари" суд томонидан "ёвуз нияти исботини топмагани учун" оқланади. Лекин суд ҳукмида асардаги реализм қаттиқ қораланади. Суд ҳукми ўта ғализ тилда ёзилган бўлиб, у буржуазия қонунчилиги ҳимоячиларининг ҳаққоний санъат олдидаги ваҳимали қўрқувини ифода этувчи ёркин бир ҳужжат сифатида тарихда муҳрланиб қолди. Жумладан, суд ҳукмида "бундай оқимнинг инсоният ижодкорлик руҳига, нафис санъатга нисбатан қўлланилиши охир-оқибат гўзаллик ва олижаноблигининг инкор этилишига олиб келади. Ва ҳамиша омма ахлоқига, ижобий ҳулқ-атворга салбий таъсир кўрсатади", дея қайд этилади.

Флобернинг ўзи эса суд жараёни ва ҳукмни тутуриксиз сафсата, қўрқинчли алаҳсираш, деб талқин этади. «Мени бу кимсалар қайси ҳукуқларига асосан жазолашяпти? Бу можароларнинг ахлоқ, тартиб ва санъатнинг ижтимоий ҳиҳатларига қандай алоқаси бор?» — дея ёзғиради у.

Ўша даврда катта шов-шувга сабаб бўлган бу суд жараёни омма орасида романга нисбатан қизиқиш уйғотади. Беъмани суд жараёни таъбир жоиз бўлса, антиреклама вазифасини ўтайди. Лекин бу Флобернинг кайфиятини кўтара олмайди. Буни ёзувчининг дўстига ёзган бир мактубидан билиб олиш мумкин: "Бу воқеалар менга ҳам маъновий, ҳам жисмоний жиҳатдан шунчалик таъсир қилдики, ҳатто оёқларимни қимирлатиш, қўлимга қалам олишга ҳам мажолим етмайди..."

Шундай бўлса-да, ёзувчи санъат борасидаги қарашларидан асло воз кечмаган.

Судланган роман — «Бавари хоним» эса жаҳон адабиётининг нодир намунаси сифатида санъат ихлосмандларини ҳайратга солиб келмоқда. «Чархи каждафтор» деб шунга айтсалар керак-да!

Фарҳод ҲАЗРАТҚУЛОВ

Savol va saboq

бида эллик минг сўмдан ортиқроқ пулим бор. Қачон сўраб борсам, "бизда нақд пул йўқ", дейишади. Туманда мен мурожаат қилмаган идора қолмади ҳисоб. Аммо фойдаси бўлмаяпти. Яқинда яна раҳбарнинг олдига кирдим. Агар мени қонуний ҳақимни тўламайдиган бўлсангиз, судга мурожаат қиламан, газетага ёзаман, дедим. У бўлса, "қўлингдан келганини қилавер. Барибир пул йўқ. Нима, суддагилар ёки газетадагилар келиб сенга йўқ пулни олиб берадиларми", дейди...

Маслаҳат беринглар, энди кимга мурожаат қилай?!"

Бир томондан олиб қарасангиз, корхона раҳбари ҳақдай кўринади. Албатта, журналист бориб шикоятчига ёнидан пул беролмайди. Шунингдек, журналистга бирор идора ёки ташкилотга бориб фалончини пулини тўлаб бер, дейиш ваколати ҳам берилмаган. Лекин бизга ишониб мактуб йўллаган муштарийларимизнинг муаммоларини мутасаддилар эътиборига ҳавола этиш — вазифамиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қаерда лоқайдлик ва эътиборсизлик мавжуд бўлса, фуқароларнинг мурожаатларига бефарқлик билан қаралса, ўша ерда шикоятбозлик пайдо бўлади. Аризабозлик бор жойда эса ўз-ўзидан асаббузарликка йўл қўйилади. Ҳар қандай асаббузарлик ҳам ўз навбатида иш унумининг пасайишига олиб келади. Ҳар бир одам — у мансабдор бўладими ёки оддий ишчими — ўз вазифасига виждонан, қонун талаби доирасида ёндашадиган бўлса, ўз ишига бефарқ қарамаса, ҳар қандай камчиликнинг олди олинади. Шикоятбозлигу асаббузарликларга ҳам чек қўйилади.

Шундай эмасми?

И. ҲАМРОЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Taqdir tarixi

Charles de Gaulle: ТОЛМАС ВАТАНПАРВАР

Ҳозирги пайтда Франция дунёнинг энг юксак тараққиётга эришган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Унинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий жиҳатдан барқарор ҳуқуқий демократик давлатга айланишида машҳур сиёсатдон, давлат арбоби Шарл де Голлнинг хизматлари катта.

Франциянинг Лилли шаҳарчасида истиқомат қилган Генри ва Женни Миллотлар 1890 йилнинг 22 ноябрида ўғилли бўлишди. Унга Шарл деб исм қўйдилар. Генри Миллот Франция—Пруссия уруши қаҳрамони эди. У кейинчалик фалсафа, адабиёт ва математика фанларидан дарс беради. Онаси эса ҳарбийлардан бўлиб, кейинчалик болалар тарбияси билан шуғулланади. Де Голллар оиласи диндор ва ҳарбийлардан иборат бўлгани учун Шарл ҳам акалари ва опаси билан ана шундай муҳитда вояга ета бошлайди. У болалик чоғиданоқ уруш ҳақидаги китобларни мутолаа қилишни жуда севарди. Ўғлининг қарбийликка бўлган қизиқишини кўрган отаси уни Париждаги "Станислас" коллежига ўқишга жойлаштиради. Шарл коллежни битиргач, пиёда аскарлар қисмида хизмат қилади. Бу орада биринчи жаҳон уруши бошланиб, Шарл урушга отланади. Урушда у тўрт жойидан оғир яраланиб, асирга тушиб қолади. Аммо омад унга кулиб боқиб, душманлар чангалидан эсон-омон қутилиб чиқади. Уруш тугагач, соғлигини тиклаб олган Шарл ўзи ўқиган коллежда ҳарбий соҳага оид фанлардан дарс беради. У 1921 йилда римлик Ювони Вендракс исмли диндор аёл билан турмуш қуради. Ана шу йиллари у "Армия тақдири", "Шамшир учи" номли китобларини чоп эттиради. Шуниси аҳамиятлики, Франциянинг ҳарбий соҳада муваффақиятларга эришишида ҳам де Голлнинг ҳиссаси беқиёс. Чунки, Шарл де Голл ҳарбий соҳа назариясини ишлаб чиқиб, амалий ҳаётга тадбиқ этади.

Германиянинг Францияга қарши ҳужуми бошланганидан сўнг (1940 йил) ҳукумат бу соҳада тажрибали саналган де Голлни Мудофаа вазири ўринбосари этиб тайинлайди. Бироқ "Очиқ шаҳар" деб эълон қилинган Париж орадан қирқ кун ўтар-ўтмас юқори мартабали ҳарбий шахснинг хиёнати сабаб гитлерчиларга жангсиз таслим бўлади. Бундай соткинликка чидай олмаган француз халқи Шарлни айблаб, уни ўлимга маҳкум этишни ҳарбий суддан сўрайди. Ҳарбий суд иш ҳолатларини чуқур ўрганиб чиқиб, бу ишда де Голлнинг айбсиз эканлигини исботлаб беради. Шундан сўнг босқинчиларга қарши генерал Шарл де Голл бошчилигида "Озод Франция" ватанпарварлик ташкилоти кураш бошлайди. Ўшанда де Голл француз аскарларига шундай мурожаат қилган: *"Эй, француз аскарлари! Ўзингизни ўйламанг! Сиздан нажот кутиб қараб турган оилангиз, халқингиз тинчлигини ўйланг! Ана шунда сиз Ватан олдидаги муқаддас бурчингизни адо этган бўласиз!"*

Бу сўзлари минглаб кишиларнинг қалбини ларзага солган бўлса, ажаб эмас.

Урушдан кейинги Франция тарихи уч даврга, яъни вақтинчалик режим (1944-1945), тўртинчи республика (1946-1958) ва бешинчи республикага (1958) бўлиниб, биринчи ҳукуматни генерал Шарл де Голл бошқаради. У ишни дастлаб конституцияга ўзгартириш киритишдан бошлаш мақсадида таъсис йиғилишини чақиради. Йиғилишда де Голл парламент ҳисобига президент ваколатларини кенгайтириш таклифи билан чиқади. Бироқ таъсис йиғилиши аъзоларининг кўпчилик қисми қарши овоз берганлиги боис де Голлнинг таклифи инобатга олинмайди. Шундан сўнг генерал Шарл де Голл намойишкорона истеъфога чиқиб кетади.

1946 йилги конституциянинг кучга кириши билан тўртинчи республика ўз фаолиятини бошлайди. Асосий қонунга кўра, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, сиёсий қарашлари ва диний мансублигидан қатъи назар, тенглиги кафолатланади. Франция бошқа халқларнинг озодлигига қарши куч ишлатиш ва босқинчилик урушларидан воз кечади. Умумий овоз бериш йўли билан сайланган парламент йиғилиш ва республика кенгашларидан иборат бўлиб, кейинчалик у Сенат деб юритилади. Палаталарнинг биргаликдаги мажлисида республика Президенти чекланган ваколат билан 7 йилга сайланиб, ҳукумат миллий йиғилиш олдида ҳисоб берадиган бўлади. Гарчи мамлакатда юқоридаги каби иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилса-да, тўртинчи республика кўп ўтмай инқирозга юз тутади. Бунга сабаб Франция ва Жазоир ўртасида келиб чиққан уруш бўлди. Гап шундаки, Франция таркибида бўлган Жазоир мустақилликни талаб қилиб чиқади. Франция ҳукумати эса табиий ресурсларга бой бўлган Жазоирни қўлдан чиқаришни ҳоҳламайди. Жазоирни йўқотиш тўртинчи республика тугади дегани эди. Жазоирдаги француз армияси раҳбарлари ҳокимиятни генерал де Голлга топширишни талаб қилиб, ғалаён кўтаришади. Улар ҳукуматга бўйсунишдан бош тортишар экан, Шарл де Голлнинг қаттиққўл, ўзига ишонадиган раҳбар сифатида тартиб ўрнатишига ишонишарди.

Ғалаёнчиларнинг тазйиқи остида Миллий йиғилиш 1958 йилнинг 1 июнида 67 ёшли де Голлни истеъфодан чақириб олиб, давлат раҳбари этиб сайлайди. Де Голл одатдагидек ишни конституцияни қайта кўришдан бошлайди. Аҳолининг бешдан тўрт қисми референдумда овоз бериб, қабул қилинган янги конституция президент ва ижро этувчи ҳокимият ваколатларини анча кенгайтиради. Шундай қилиб, тўртинчи республика ўрнига бешинчиси келади. Республика президенти этиб сайланган де Голл асосий эътиборни ишлаб чиқаришга қаратади. Хусусан, илмий-техника инқилоби жорий этилиб, янги саноат соҳалари — атом, радиоэлектроника ва бошқалар ташкил этилди. Асосий иқтисодий кўрсатгичлар бўйича Франция Англияни қувиб ўтиб, жаҳонда бешинчи ўринга чиқиб олади. Шунингдек, Президент мустамлака урушларини аста-секинлик билан тугатиш йўлини танлади. 1960 йилда Франциянинг Экватор ва Ғарбий Африкадаги мустамлакаларига сиёсий мустақиллик беради. Жазоирликларни енгиш мумкин эмаслигига ишонч ҳосил қилган де Голл ниҳоят Жазоир халқининг мустақиллигини тан олади. Президентлик сайлови яқинлашиши арафасида мамлакатда республика президентини сайлаш тартибини ўзгартириш ҳақида референдум ўтказилади. Эндиликда президентни парламент эмас, халқ сайлайдиган бўлди. Бунинг натижаси ўлароқ 1965 йилги сайловда Шарл де Голл сўл кучлардан номзоди қўйилган Ф.Миттеранни енгиб, иккинчи бор етти йиллик муддатга сайланади. Халқ ишончини қозонган де Голл ташқи сиёсатда қуйидаги асосий тамойилга таянар эди:

1) "Франция буюклиги"ни тиклаш ва унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш;

2) Мамлакат мудофаа салоҳиятини янада ошириш

Бундан ташқари, де Голл Вьетнамга нисбатан урушни қоралаб, Францияни НАТО ҳарбий ташкилотидан чиқаради. Президент Европа иқтисодий ҳамкорлигининг миллатларни бошқарувдаги ташкилотга айланишига қарши чиқади ва "Европа — Ватанлар макони" деган шиорни илгари суриб, мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузишни ёқлаб чиқади.

Хуллас, генерал Шарл де Голлнинг ўн тўрт йиллик бошқаруви Францияни иқтисодий жиҳатдан барқарор давлатга айлантирди. Аммо 1968 йилнинг май ва июн ойларида талабалар таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ижтимоий таъминотни яхшилаш, стипендияларни ошириш учун намойиш уюштиришади. Ҳуқуқ-тартибот ходимлари билан тўқнашув оқибатида 3 минг нафардан ортиқ талаба ҳибсга олинди. Бу эса аҳолини янада ҳаракатга келтириб, 10 миллион нафарга яқин киши иш ташлади.

Қисқаси, бу воқеалар Шарл де Голлнинг шахсий мавқеи ва ҳокимиятига путур етказди. 1969 йилнинг апрелида президент иккита қонун лойиҳасини референдумга қўйиш таклифи билан чиқади. Ўшанда у "Агар қонун лойиҳалари умумхалқ овозида маъқулланмаса, истеъфога чиқаман!" деб огоҳлантиради.

Бу огоҳлантиришдан қатъий назар сайловчиларнинг кўпчилиги қарши овоз беради ва Шарл де Голл Франция сиёсий майдонини тарк этади. Орадан бир ярим йил ўтгач, 1970 йилнинг 9 ноябрида де Голл юрак хуружи оқибатида 80 ёшида дунёда кўз юмади.

Унинг номи Франция тарихида талабчан раҳбар ва фидойи ватанпарвар сифатида муҳрланиб қолади.

Ҳусан ТУРСУНОВ

Munosabat

БОТҚОҚЛИК

АНАСТАСИЯНИ НОСОҒЛОМ МУҲИТ ЖИНОЯТЧИГА АЙЛАНТИРДИ

Тақдир экан, Татьяна икки қизини отасиз ўстирди. Албатта, бу ҳар қандай инсондан катта ирода, сабот ва чидам талаб қилади. Аммо Татьянага ана шу ирода етишмади. Ёлғизлик "азоби"ни спиртли ичимлик ичиш билан "енгиш"га одатланган она бора-бора фарзандларининг тақдирига ҳам қизиқмай қўйди. Айниқса, катта қизи Ирина ўзининг ногиронлиги учун бир куйинса, онасининг ичкиликбозликка муккасидан кетаётгани дардига дард қўшарди. Устига-устак, мактабда ўқиётган синглиси Анастасиянинг ҳам ўқишга тоби йўқроқ: хуши келса, дарсларга қатнашади, бўлмаса кўча-куйда кунни кеч қилади. Шу зайлда йиллар ўтди. Анастасия 6-синфни зўрға тамомлаб, ўқишни бирата̀ўла йиғиштириб қўйди. 2-гуруҳ ногирони Ирининг бахти очилиб, турмушга чиқди. Куёв — Виктор Дуганов ҳам бу оилага "муносиб" эди. 1952 йилда туғилган, умри бино бўлиб фойдали меҳнат билан шуғулланишни ўзига эп кўрмай, жиноятчилик кўчасига кириб кетган ва қилмишлари учун бир неча маротаба судланган Виктор Дуганов оиласига нисбатан масъулият сезмади. Аксинча, улфатчиликда Браунлар оиласининг етакчисига айланди. Бундай муҳит вояга етмаган Анастасиянинг ҳаётини аллақачон издан чиқариб улгурган эди...

БИР ПИЁЛА МАЙ КАСРИ

Ноябрнинг ўрталари. Ерга тўшалган куз япроқлари изғирин қанотида ҳар ёққа чарх уриб учади. Тун қўйнида уйқуга чўмган сукунатни ҳар замонда узоқ-яқиндан эшитилаётган хўрозларнинг қичқириқларигина бузиб турибди.

Браунлар хонадонида оилавий улфатчилик бу гал ҳам узоқ давом этди. Ширакайф қайнона, қуёви Виктор, қизлари Ирина ва Анастасиялар бирбирларига қайта-қайта соғлиқ тилаб, қадаҳ кўтаришди.

— Қани эди, яна бир пиёла, бўлса... — дея тамшанди Виктор бўш косани бармоқлари билан чертиб.

— Эссиз, кеч бўлиб қолди-да, — деб бошини сарак-сарак чайқади қайнона. — Йўқса, Юрийникидан самагон олиш мумкин эди...

— Нима қипти, сўраб чиқасиз, — деди Виктор шодланганча.

— Тун ярмида-я, чол бечора қўрқиб кетади, — дея Ирина бу таклифга рўйхушлик бермади. — Устига-устак, қулоғи яхши эшитмаса...

"Қулоғи яхши эшитмаса, бу жуда яхши", — дея хаёлидан ўтказди Виктор. Аста кириб ўғирлаб чиқамиз"...

РЕЖА

Викторнинг калласига келган бу хаёл кўп ўтмай аниқ мақсадга айланди. Хотини ва қайнонаси уйқуга ётганидан сўнг ошхонада идиш-товоқ ювиётган қайнсинглиси Анастасияни болохонага имлаб чақирди.

— Гап бундай, ҳозир Юрий Даниловникига борамиз.

— Ҳа-а, тушунарли, — дея айёрона кўзларини ўйнатди Анастасия. — Ичкилик деса нафсингизни тиёлмайсиз.

— Ичимдагини топдинг, Анастасия! Ахир, бу беш кунлик дунё ўтади-кетади. Шундай экан, кўнглингга нима келса, қилиб улгуришинг лозим. Қани, аш-қол-дашқолларингни кейин йиғасан.

Шу тарика поча ва қайнсингил йўлга отландик. Кўп ўтмай улар Ю.Даниловнинг уйи орқасида пайдо бўлишди ва омборхона эшигини очиб, ичкарига киришди. Омборхона самагон солинган идишлар билан тўла эди.

— Ана самагон-у мана самагон! — дея шиша идишлардаги қўлбола захри қотилдан бирини олиб қултиллатиб ича бошлади Виктор. Иккинчи идишни эса қоронғида Анастасияга тутқазди. — Ма, мазза қилиб ич...

Икковлон бўкиб ичишгач, нафслари энди бошқа нарсани тусаб қолди. Улар уйдан бирор буюмни ўғирлаб чиқиш режасини тузишди.

— Ҳадемай тонг отади, вақтни ўтказмай ишга киришайлик, — деди Анастасия гапни бир жойга қўйишгач.

- Хўш, ишни нимадан бошлаймиз, шогирд?

Шу пайт Анастасия ерда ётган эски пичоқни кўриб қувониб кетди.

— Мана, бу асбоб дераза ойналарини очишда асқотади, — деди билимдонлик билан.

— Аҳлингга балли, жуда чапдастсан-да!

Шундан сўнг Виктор пичоқ ёрдамида дераза ойнасини олиб ташлади-да, ундан айвон ичкарисига ошиб тушди. Улар айвон орқали уйнинг ичкари эшигини ҳам осонгина очишиб, барча хоналарни бир зумда кўздан кечириб чиқди.

— Чол ухлаяпти, — деди Виктор уй эгасининг ётоғига мўралаганча. — Юр, ошхонага...

ОМБОРДА САҚЛАНГАН ЎЛЖАЛАР

Тунги қароқчилар аввало ошхона жиҳозларини қопга жойлашди. Ю.Даниловнинг қаттиқ ўйқуга кетганлигидан фойдаланиб кичкина хонадаги сандиқдан ҳар хил кийимлик мато ва бошқа буюмларни олиб чиқишди. Меҳмонхонадаги биллар идишлар, гиламлар ҳам қароқчиларнинг ўлжасига айланди. Анча-мунча "бойлик"ни қўлга киритган ўғрилар қопларни судрай-судрай ташқарига отланишди. Лекин мураббо солинган банка идиши синиб, қопларнинг бири ичкарида қолиб кетди. Ҳамтовоқлар ўлжаларини белгиланган манзил — Анастасияларникига қарашли омборда сақлаш учун олиб бордилар. Ўлжалар яширилиб қўйилгач, ҳамтовоқлар хотиржам уйга киришди. Уйда ухлаётганлар уларнинг қаёққа бориб, нималарни "қойиллатиб" келганини сезишмади...

СИРЛИ ШАРПАЛАР

... Тонгга яқин тушидами-ўнгидами, Юрий Даниловга уйқу аралаш уй ичида қандайдир сирли шарпалар юргандай туюлди. "Хаёлимда шундай туюлгандир", деган ўй билан чол бошқа томонига ағдарилиб ётди-да, ўзича қулоғининг оғирлигидан нолиб, ғудраниб қўйди. Кўзи қал илингач, яна аллақандайдир тушлар кўра бошлади. Тушда бир зум хаёлини ўғирланган сирли шарпалар қоп-қора соя-ларга айланиб, унга ташланди. Кейин унинг устидаги кийимларини ечиб олишиб, осмонга учиб кетдилар. У эса диванга михланганча соялар ортидан қўлларини чўзган кўйи қотиб қолди.

Ҳақиқатдан ҳам, Ю.Данилов уйғонгач, анчагача ўрнидан қимирлолмай қолди. Чунки хона эшиги ва айвон саҳнида қандайдир қоп, унинг ёнида синган мураббо идиши ва ошхона идишлари сочилиб ётарди. "Э-вох!"— дея инграб юборди чол. — Бундай нотавонликдан кўра худо жонимни олиб қўя қолса, бўлмасмиди?". У бир амаллаб ёнидаги телефон гўшагини кўтариб, бошқа жойда яшовчи ўғли Пётрга қўнғироқ қилди. Кўп ўтмай Пётр хотини билан отасиникига етиб келди. Улар содир бўлган воқеани ички ишлар бўлимига хабар қилишди.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Ҳеч бир жиноят изсиз қолмайди. Виктор Дуганов билан Анастасия Браунларнинг эришган ўлжалари уларнинг жиноятини ашёвий далил сифатида ошкор этди. Яширилган нарсалар Браунлар омборчасидан олиб чиқилиб, эгасига қайтарилди.

Ёши элликни қоралаган, муқаддам содир этган жиноятлари учун бир неча бор қамоқ жазосини ўтаб қайтган, лекин ҳеч биридан ҳулоса чиқармай ишсизлик, дарбадарлик кўчасида юрган Виктор Дуганов ва вояга етмаган, лекин хаётини заҳарлаб улгурган Анастасия Браун суднинг қора курсисига ўтиришди. Уларнинг кўз қорачиғларида пушаймонлик, ўкинч эмас, қандайдир бир совуқ хотиржамлик муҳрланган эди. Суд жараёни тафсилотларини ниҳоясига етказар эканман, уларнинг бу қиёфасини кўриб, юрагим музлаб кетди...

Ҳа, жиноятга жазо муқаррар. Виктор Дуганов ва Анастасия Браунга суд ҳукми билан тегишли жазо тайинланди.

Лекин шу ўринда Анастасия Браунннинг тақдири ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Унинг тенгдошлари ёшликнинг бетакрор гўзалликларини ҳис қилиб, ўз келажакларини ўзлари яратаётган бир пайтда у темир панжара ортига йўл оляпти. Бу мудҳишликка унинг ўзи йўл очди. У худбинлик сабабли енгил-елпи ҳаётнинг ботқоғига ботди. Ундан чиқиб кетишга ўзида жўраъат ва ирода тополмади. Натижада эса қилмишига яраша жазо олди.

ХОТИМА

Баён этилганлардан чиқарилган хулоса шуки, Анастасия вояга етган оилада муҳит соғлом бўлганида эди, қиз жиноят ботқоғига ботмаган бўлар эди. Устига-устак, инсонийлик қиёфасини унутган Виктор Дугановнинг бу оилага келиб қўшилиши ва унинг янги-янги "режа"лари қизни жиноятчиликнинг янада қоронғу кўчаларига етаклади. Эҳтимол, "кўр кўрни қоронғида топади", деган ибора ана шундай ҳолатларга нисбатан айтилса, ажаб эмас.

Хуллас, воқеа тахлил қилинса, жавобсиз саволлар туғилаверади. Бўлиб ўтган воқеада кўни-қўшнилар, маҳалла фаолларининг ҳам айби бор десак, бу хато эмасми? Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон?

Абдумалик ИРИСАЛИЕВ,
ҳуқуқ ҳимоя

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
1998 йил 2 июнда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Пўлат САМАТОВ, Ислом ҲАМРО, Хуршид СОДИҚОВ, Холли НОРБОЙ, Эркин ҚУДРАТОВ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-921. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 136-72-37 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50